




# XASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI  
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA 16 (122)-сон, 2006 йил 20 апрель www.21asr.com

**2 СИЁСАТ**  
«Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органилари тўғрисида»ги қонун амалда

**4 ИҚТИСОД**  
Четга товар-маҳсулот экспорти ҳажми 2,3 баробарга ортади

**9 ХАЛҚАРО ҲАЁТ**  
Генераллар Рамсфельддан норози бўлмоқдалар. Аммо...



«Умид ниҳоллари — 2006»

## Қашқадарё ёш спортчиларни кутмоқда

Миллат, Ватан, халқ истиқболи йўлида амалга оширилаётган ислохотларни, миллий истиқлол ғоясини рўёбга чиқарадиган авлод ҳар томонлама етук бўлмоғи лозим.

### Зумрад АБРОРОВА

Бунинг учун ёшларга миллий ўзлигини англашти, уларнинг қалби ва шурига миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни сингдириш, замонавий билимлар билан қуроллантириш баробарида уларни жисмонан соғлом қилиб вояга етказиш керак. Ана шундай баркамол йигит-қизларгина халқимизнинг бахтли ва фарвон келажagini яратишдек шарафли вазифани адо этишга қодир бўлади.

Шу мақсадда давлатимиз раҳбари томонидан белги-лаб берилган кадрлар тайёрлаш умуммиллий дастурини амалга оширишга алоҳида эътибор берилаяпти. Ёшларнинг барча қатламларини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этишга йўналтирилган уч босқичли «Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» каби тадбирлар мамлакатимизда йил сайин оммавий тус олиб бораётгани боиси ҳам шунда. Энг қувватли, соғлом ва бақувват

авлодни вояга етказишда қўлланила бошлаган уч босқичли бундай узлуқсиз тизим жaxon тажрибасида ҳали кузатилмаган ва бунга илк мартаба ўзбекистонда асос солинди.

Ушбу босқичнинг дастлабкиси, яъни умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг олий тоифадаги мусобақаси — «Умид ниҳоллари» уйинлари 2002 йилда Фарғона шаҳрида, 2003 йилда Урганчда ўтказилган. Шу йилнинг 4-9 май кунларида эса Қарши шаҳрида «Умид ниҳоллари — 2006» бўлиб ўтди.

Айни пайтда бу йил 2700 йиллигини нишонлашга ҳозирлик қўраётган қадимий Насаф — Қарши шаҳри мамлакатимизнинг бўлажак спорт юлдузларини кутиб

олишга тайёр. Ушбу нуфузли мусобақани ўтказиш учун бу ерда жуда катта ишлар қилинди. Хусусан, ушбу тадбирнинг асосий тантаналари ва беллашувлари бўлиб ўтадиган 20 минг уринли футбол стадиони ФИФА талабларига тўлиқ жавоб берадиган даражада қурилди. Шаҳардаги олимпия захиралари, ахборот технологиялари коллежлари спорт заллари, Қарши давлат университетининг мукамал таъмирланган ва қайта жиҳозланган 4 та ётоқхонаси мусобақа иштирокчиларига мунтазир.

Тадбир мутасаддиларининг таъкидлашларича, мусобақаларнинг юксак савияда ўтиши учун барча шарт-шароит муҳайё.

Мамлакатимизда касаначиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунда Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг шу йил 5 январда эълон қилинган «Йирик sanoat корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони муҳим дастуриламал бўлмоқда.

## Касаначилик — баракали иш

Х.САЛИМОВ, Ўза муҳбири

Мазкур ҳужжатга биноан йирик ишлаб чиқариш корхоналарининг буюртмалари асосида банд бўлмаган аҳоли, айниқса, хотин-қизлар, кўп болали оналар, ногиронлар, тайёргарлик ва малака даражаси етарли бўлмагани боис ўзига муносиб иш топишга қийналаётган юртдошларимиз касаначиликка кенг жалб этилаётди. — Шу кунгача қирқ нафар кишини шартнома асосида иш билан таъминладик, — дейди «Тошиқрангмет» масъулияти чекланган жамияти директори Шермухаммад Усмонов. — Улар ўз уйларида асосан бичиш-тикиш ишлари билан шуғулланмоқда. Йил охирига қадар касаначиларни янада кўпайтириш ва уларга зарур барча шароитларни яратиб бериш ниятидамиз. — «Тошиқрангмет» билан шартнома асосида ишлаётганимга кўп бўлгани йўқ, — дейди сергелилик Шоҳида Юсупова. — Фарзандлар тарбияси, рўзғор ишлари билан бир қаторда уй меҳнатини ҳам бемалол эплайман. Касаначилик — баракали иш экан. Шу туфайли оиламиз даромади ортмоқда. Президентимизнинг касаначиликни ривожлантиришга қаратилган Фармониغا мувофиқ, мендай аёллар ижтимоий суғурта, касаллик варақасига ҳақ олиш, пенсияга чиққанида давлат корхоналари ишчи-хизматчилари билан тенг ҳуқуққа эга бўлади.

### Бизнинг шарҳ

## Холис баҳо

Озод ва обод Ватан, эркин ва фарвон ҳаёт, бозор иқтисодиётига асосланган демократик жамият барпо этиш йўли... Бугун биз танлаган ана шу йўлнинг қанчалар тўғри ва ҳаётий эканлигини нафақат Ўзбекистондаги, балки бир қатор нуфузли халқаро ташкилотлар, иқтисодчилар ва сиёсатшунослар ҳам эътироф этмоқдаларки, бу ҳам бўлса, юртимизга бўлган эътиборнинг юқорилигидан далолатдир. Жорий йилнинг 6 апрелида Осиё Тараққиёт банкининг «Осиё тараққиёти таҳлили-2006» деб номланган навбатдаги маърузаси эълон қилинди. Унда таъкидланишича, Марказий Осиё 2006 йилда жадал иқтисодий ўсиш суръатини сақлаб қолган ҳолда 10,3 фоиз ўсишга эришади. Ўтган йили эса минтақада ўсиш суръати 10,9 фоизни ташкил этган...

ОТБ бош иқтисодчиси Ифзал Алининг фикрича, Марказий Осиё давлатлари амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар самарасидан баҳраманд бўлмоқдалар. Маълумки, Филиппин пойтахти — Манилада жойлашган мазкур банкнинг фаолияти Осиё ҳамда Тинч океан минтақасида барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашга қаратилган. 1966 йилда асос солинган ушбу тузилмага ҳозирги кунда 64 та давлат аъзолири.

Маърузада Ўзбекистон сўнги йилларда барқарор иқтисодий ўсиш суръатини сақлаб қолаётганлигига алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, кишлоқ хўжалиги ва ташқи савдо соҳасида амалга оширилаётган кенг жалб этиш кўзда тутилмоқда. Умуман, банк таҳлилида Ўзбекистоннинг яқин ва узоқ истиқболга ҳам юқори баҳо берилган.

2005 йилда Халқаро валюта жамғармаси Ўзбекистонда ЯИМнинг ўсиш суръати 7 фоизни ташкил этганлигини тан олганини бир эсга олайлик. Иқтисодий ўсиш суръатларига дунё хом ашё ва товарлар, аввало, нефть, газ бозорларида мавжуд бўлган қулай конъюнктура ва бошқа ташқи омиллар таъсир кўрсатмаётганлиги ўша таҳлилда ҳам алоҳида қайд этилган. Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда иқтисодиётни либераллаштириш, давлатнинг корхоналар, биринчи галда хусусий бизнес фаолиятига аралашуви чеклаш, хусусийлаштириш жараёнини янада чуқурлаштириш, мамлакат экспорт салоҳиятини оширишга ҳар қачонгидан кўра катта эътибор берилмоқда. Кейинги йилларда кичик бизнес, фермер хўжаликлари ва тадбиркорликни жадал ривожлантириш борасида тўб бурилишга эришилди. Жумладан, кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 38,2 фоизни ташкил этмоқда. Жами ишчи кучларининг 71,7 фоизи айнан ана шу соҳада бандлиги эса юртимизда том маънодаги мулкдорлар қатлами шаклланишидан далолатдир.

Шу ўринда яна бир муҳим масалага эътиборни қаратиш уринлидир. «Осиё тараққиёти таҳлили-2006»да «лопаранг инқилоб»лар содир бўлган Қирғизистон, Грузия сингари айрим мамлакатлар иқтисодиёти ҳам таҳлил этилган. Хусусан, Қирғизистонда иқтисодий кўрсаткичлар пасайиб бораётганлиги таъкидланган. Албатта, бунинг маълум сабаблари бор. Рўй берган тўлопонлардан сўнг узоқ йиллар давомида шакланган бошқарув ва хўжалик тизими издан чиқди. Давлат мулки, миллий бойликлар талон-тороқ қилинди. Энг ёмони — буларнинг барчаси аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб кетишига олиб келди.

Грузияда эса раҳбарият томонидан олиб борилаётган бир ёқлама сиёсат мамлакат иқтисодий тараққиётига салбий таъсир кўрсатгани айтилган. Агар Ўзбекистоннинг 2005 йилда ташқи савдо айланмаси 9,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этган, умумий экспорт ҳажмида тайёр маҳсулот ва хизматлар улуши 50 фоиздан ошгани натижасида ташқи савдода 1,3 млрд доллар миқдорда ижобий салёдога эришилган бўлса, бундай кўрсаткичлар ана шундай мамлакатлар учун ҳозирча орзу бўлиб қолмоқда.

## Диққат, семинар!

Жорий йилнинг 26 апрелида Президентимизнинг «Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Қарорини амалга ошириш масалаларига бағишланган илмий-амалий ўқув семинари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида ўтказиладиган ушбу семинарда О'ZLiDePнинг мазкур қарордан келиб чиқадиган долзарб вазифалари, нодавлат нотижорат ташкилотларининг фуқаролик жамиятини барпо этишдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, миллий манфаатларимизга қарши қаратилган турли инфоармация хуружларга нисбатан таъсирчан ва ҳужумкор тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил этиш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилади.

## Узоқ ва яқин хорижда

### АҚШ

## Музокараларнинг бош мавзуи: савдо-сотик

ХХР раиси Ху Цзиньто Қўшма Штатларга ташриф буюрди. Унинг мазкур мамлакатга бу галги сафари АҚШ ва ХХР ўртасидаги савдо муносабатлари тобора кескинлашиб бораётган бир пайтга тўғри келди. Шунинг учун ҳам, кўпчилик кузатувчилар таъкидлаётганларидек, ҳар икки давлат раҳбарлари музокараларида бош мавзу савдо-сотикнинг аҳоли ҳақида бўлади.

Мазкур ташриф ишбилармон доираларни ташвишга солиб қўйди. Америка ишлаб чиқарувчиларининг фикрича, Хитой атайлаб ўз валютаси курсини пасайтиряпти. Бундан мақсад ўзининг товарлари Америка истеъмолчисига арзонроқ бўлиши, аксинча, Америка экспортчи қимматлашмиш кетишига эришишидир. Агар шундай ҳол рўй берса, Америка компаниялари жиддий зарар кўрадилар. Бошқача айтганда, ҳалол савдо шартлари бузилади.

Би-би-си мухбирининг Вашингтондан хабар қилишича, АҚШдаги айрим сиёсатчилар маъмуриятдан қарши чоралар кўришни талаб қилмоқдалар. Ҳозирча маъмурият сенаторларнинг Хитойни жазолаш ҳақидаги таклифларини рад этиб келмоқда.

### Украина

## Коалиция хавф остида

Собик бош вазир Юлия Тимошенко сешанба кўни баёнот бериб, мамлакат президенти Виктор Ющенко парламентда ўзининг президент сайловларидаги рақиби Виктор Янукович билан коалиция тузишни мўлжаллаётганини айтди. Унинг сўзларига қараганда, бундай ахборотни президентни қўллаб-қувватловчи «Наша Украина» блокнинг юқори мартабали вакили берган.

Бундай ниятни Тимошенко Украинадаги демократик кучлар иттифоқини парчалаб ташлашга қаратилган режа деб атади. «Кенг камровли коалиция деб номланаётган бирлашув ҳақида принципал жиҳатдан келишиб олинган. Бош вазир Юрий Ехануров ва Ющенконинг яқин сафдошлари Пётр Порошенко ва Николай Мартененко ана шундай йўл тутмоқдалар», - деди Тимошенко Киевда ўтказилган матбуот анжуманида. Унинг таъкидлашича, бунда «президент Виктор Ющенко ва «Наша Украина» командаси демократик коалиция тузилишига йўл қўймасликка интилаётган уч-тўрт кишидан ажралиб турибди, холос». Ўз навбатида «Наша Украина» блоки вакили агар Юлия Тимошенко бош вазир лавозимига ўз даврасидан воз кечмаса, «зарғалдоқ коалиция» тузиш мумкин бўлмайди, деди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 18 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қўйидаги қийматини белгилади:	1 Австралия доллари 891,96	1 Миср фунти 212,35	1 Польша злотийси 377,40	10 Жанубий Корея вони 12,75
	1 Англия фунт стерлинги 2141,28	1 Исландия кронаси 16,06	1 СДР 1755,76	1 Япония иенаси 103,02
	1 Дания кронаси 198,98	1 Канада доллари 1060,99	1 Туркия лираси 902,91	1 Россия рубли 43,97
	1 БАА дирхами 331,62	1 Хитой юани 151,99	1 Швейцария франки 943,91	1 Украина гривнаси 241,19
	1 АҚШ доллари 1218,02	1 Малайзия ринггити 331,93	1 ЕВРО 1484,28	



# ИЖТИМОЙ ҲАЁТ

## ЯХШИ қонунлар урф-одатлардан туғилади

### Қонунчиликни такомиллаштириш йўлида

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонун мониторинги натижаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Уни институт раҳбари Ф. Отахонов кириш сўзи билан очди. Таъкидландики, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни ислоҳ қилиш ҳамда модернизациялаш, қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг роли ва таъсирини кучайтириш, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш ҳозирги кунда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг тарихий қисмидир.

#### Ўз мухбиримиз

Мустақиллик йилларида, хусусан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ваколатлари кенгайтирилди, улар учун зарур ҳуқуқий кафолатлар яратилди.

Ушбу тадбирнинг фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловлари арафасида ўтказилган ҳам алоҳида эътиборга моликдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари миллий урф-одатлар ва қадриятларни мустаҳкамлаш, жамият ҳаётини демократлаштиришда алоҳида ўрин тутди. Шу маънода ўзини ўзи бошқариш орган-

ларнинг ролини янада ошириш, ваколатларини кенгайтириш, норматив-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш эркин демократик жамиятни шакллантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этади. "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонундан кўзланган асосий мақсад ҳам шу.

Давра суҳбати давомида ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид муносабатларни ҳуқуқий тартибга солиш, бу борадаги камчиликларни бартараф этиш, мониторинг натижалари асосида қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича муҳим тақлифлар ўртага

ташланди, амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Олий Мажлис Қонунчилик палатаси кўмиталари раислари А. Саидов ва М. Ражабова, "Маҳалла" жамғармаси раиси А.Гадоийбоев, шунингдек, Мониторинг институти бош илмий ходими С. Найимов сўзга чиқиб, кун тартибидagi масала юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Мамлакат микёсидаги 523 нафар респондент ўртасида ўтказилган суровлардан маълум бўлишича, жойларда қонун ижросини таъминлашга етарлича аҳамият берилмаёттир. Уни оммавий ўқиб-ўрганиш йўлга қўйилмаган. Табиийки, бундай ҳоллар билан асло келишиб бўлмайди. Бухоро ва Наманган вилоятларида ўтказилган суров давомида ўзини ўзи бошқариш органлари раислари, "Маҳалла" жамғармаси ҳудудий бўлинмалари вакиллари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ходимлари ва фуқаролар билан бевосита мулоқотлар ташкил қилинди, кун тартибидagi масала юзасидан уларнинг фикр-мулоҳазалари олинди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолият йўналишига оид статистик ва бошқа маълумотлар ҳам давра суҳбати қатнашчиларида алоҳида қизиқиш уйғотди.

Давра суҳбати давомида тушган саволларга мутахассислар муфассал жавоб қайтаришди.

Навоийда бўлиб ўтган анжуман Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан вилоятда сайловни юқори савияда ташкил этиш билан боғлиқ масалалар муҳокамасига бағишланди.

### Бўлажак сайловга бағишланди

#### Ўз мухбири

Амалий семинарда вилоят, шаҳар ва туманларда тузилган тегишли комиссияларнинг раислари, аъзолари, шаҳар ва туман ҳокимлари, хотин-қизлар кўмиталари раислари, «Маҳалла», «Нуруний» жамғармалари, «Маънавият ва маърифат» маркази, сиёсий партиялар, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Таъкидланганидек, айна пайтда Навоий вилоятида 338 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатаяпти. Маҳалла, қишлоқ ва овулларнинг тобора кўркамлашиб бораётганида маҳалла фаолларининг хизмати катта бўлаёттир. Бу эса фуқаролар йиғинлари оқсоқоллари ҳамда уларнинг маслаҳатчилари иш фаолиятида ижобий ўзгаришлар юз бераётганидан далolatдир. Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайловига ташкилий жиҳатдан кўмаклашувчи халқ депутатлари вилоят кенгаши комиссияси ҳамда жойлардаги ишчи гуруҳлари фаолиятини мазкур муҳим сиёсий тадбирнинг юксак савияда ўтишига қаратиш лозимлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссияси раиси М.Ражабова, Фуқаролар йиғини аъзоси, «Маҳалла» хайрия жамғармаси раиси А.Гадоийбоев иштирокчиларнинг саволларига батафсил жавоб бердилар.

ТАДБИР

### Сиёсий партиялар фаолиятига бағишланди

Қарши шаҳридаги Сайидо Насафий номи вилоят кутубхонасида Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Қашқадарё вилоят филиали ташаббуси билан "Сиёсий партиялар ташкилий-кадр ва моддий-молиявий юксалиш босқичида: муаммо, изланиш ва ечимлар" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги сиёсий партияларнинг раҳбарлари, туман, шаҳар кенгашлари раис ва раис ўринбосарлари, депутатлар, партия фаоллари иштирок этдилар.


#### Сайфулла ИКРОМОВ, "XXI asr" мухбири

Йиғилишни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали директори Турсун Чориев олиб борди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши раиси Маҳмуд Сайдалиев, Ўзбекистон ХДП вилоят кенгашининг котиби Олим Равшанов, "Фидокорлар" миллий-демократик партияси вилоят кенгаши котиби Ойниса Очилова, Миллий тикланиш партияси вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Эгамберди Хожиев сўзга чиқиб, партияларнинг дастурий мақсадларини омма ўртасида тарғиб-ташвиқ қилиш ва бошқа долзарб вазифалар, мавжуд муаммолар ҳусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаётган партиялар жойлардаги бошланғич партия ташкилотлари ишини янада жонлантириш, ташкилий-партиявий, оммавий-сиёсий тадбирларни ўтказишга кўпроқ эътибор қаратишлари зарурлиги, сиёсий партияларни молиявий қўллаб-қувватлаш учун уларни солиқларнинг барча турларидан озод қилиш, партия аъзоларининг сиёсий фаоллигини ошириш ҳамда аъзолик бадаллари тўлиғини назоратга олиш ҳақидаги мулоҳазалар тингланди. Яна шу нарса алоҳида таъкидландики, бугунги кунда кўлаб маҳаллий кенгашлар депутатлари сиёсий партияларнинг вилоят ва туман кенгашлари билан алоқада эмас. Улар партиялар ташкил этаётган тадбирларда иштирок этишмаётганлиги хусусида ҳам фикрлар билдирди. Шунингдек, анжуманда бошланғич партия ташкилотлари ишини янада жонлантириш молиявий аҳолини ўнглашда муҳим ўрин тутиши алоҳида таъкидланди.

Худди шундай тадбир Андижон вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Давра суҳбатида иштирок этган сиёсий партиялар вакиллари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари депутатлари жойларда фуқаролик жамияти институтларининг шаклланиши ва ривожланиши, аҳолининг давлат ва жамиятнинг бошқаришда иштирокини янада ошириш, демократик жараёнларни чуқурлаштириш, мамлакатда ўтказилаётган ислохотларнинг очик ва равшанлигини таъминлаш, фуқароларнинг сиёсий, ҳуқуқий, маънавий онгини юксалтириш, сиёсий партиялар фаолиятини кучайтиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва роли ҳақида ўзаро фикр алмашдилар, тақлиф, мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

ДАВРА СУҲБАТИ



### Ўзбекистон Кортрейк кўرғазмасида

Бельгиянинг Кортрейк шаҳрида "Cov-trefdag" мактаб жиҳозлари кўрғазмаси бўлиб ўтди. Мамлакатнинг Фландрия минтақаси таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу кўрғазмада мактаб таълимни ривожлантириш борасидаги сўнгги ютуқлар намойиш этилди.

#### Жамшид МУТАЛОВ, "Жаҳон" АА мухбири, Брюссель

Бельгия ва Нидерландиянинг юздан ортиқ жамоатчилик, нотижорат ташкилотлари ҳамда мактаб жиҳозлари, дастурий таъминот, ўқув қўлачмалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган, масофадан тури кўрсатадиган компаниялари қаторида Самарқанддаги "Эл-хольдин" компанияси ҳам илк бор ушбу тадбирда қатнашди. Бу компания "WorldDidac" маърифий материаллари ноширлари, ишлаб чиқарувчи ва дистрибьютерлари умумжаҳон ассоциациясининг аъзосидир.

Кўрғазма доирасида Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ҳамда республикада таълим тизими мавзусига бағишланган тақдимот ҳам бўлиб ўтди. Унда Фландрия минтақаси депутатлари, расмий, ишбилармон ва жамоатчилик доиралари вакиллари, ўқув юртлари ва мактаб жиҳозлари ишлаб чиқарадиган компанияларнинг раҳбарлари ҳозир бўлишди.

Тақдимотни очар экан,

Бельгиянинг Кортрейк шаҳрида "Cov-trefdag" мактаб жиҳозлари кўрғазмаси бўлиб ўтди.

Мамлакатнинг Фландрия минтақаси таълим вазирлиги томонидан ташкил этилган ушбу кўрғазмада мактаб таълимни ривожлантириш борасидаги сўнгги ютуқлар намойиш этилди.

Мамлакатимизнинг Бельгиядаги элчиси В.Норов йиғилишларга Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар, юртимиз раҳбариятининг иқтисодий эркинлаштириш ва хорижий сармояларни жалб этишга қаратилган савий-ҳаракатларига атрафлича тўхтади.

Тақдимот маросимида Ўзбекистонда таълим тизими ҳамда кадрлар тайёрлаш соҳасини ислоҳ қилиш, таълим соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг устувор йўналишлари ҳамда хорижий ҳамкорлар билан биргаликда қўша дастурларни амалга ошириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. "Элхольдин" бошқаруви раиси Д.Шукуров тақдимот қатнашчиларига ўз компаниясининг таълим соҳасини ислоҳ қилиш, мактаб, лицей ва профессионал коллежалари

ўқув анжомлари, замонавий ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари билан таъминлаш жараёнидаги иштироки хусусида сўзлаб берди.

Тадбирда Ўзбекистон иқтисодий ва таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларга бағишланган видеофильм намойиш этилди. Сўнгра Самарқанддаги "Ал Мерос" тарихий либослар театри ижодкорлари юртимиз тарихининг турли босқичлари ни ўзида акс эттирувчи либослар кўрғазмасини намойиш этдилар.

Фландрия минтақаси парламентининг вице-президенти Карл Декалуве кўрғазма доирасида Ўзбекистон иқтисодий салоҳияти ҳамда таълим тизимидаги ислохотлар тақдироти ўтказилгани Бельгия ишбилармонлари ҳамда таълим соҳаси вакилларига мамлакатимизнинг бу борадаги имкониятлари тўғрисида аниқ-равшан тасаввур ҳосил қилишларига кўмаклашганини таъкидлади.

"Cov-trefdag" кўрғазмаси доирасида Ўзбекистон делегацияси аъзолари Бельгиянинг болалар таълими муассасалари, ўқув анжомлари, кўнгилочар ҳамда спорт ускуналари ишлаб чиқарувчи, мактабларни компьютерлаштириш билан таъминловчи ҳамда ўқув қўлачмаларини нашр этадиган қатор компаниялар вакиллари билан ўзаро ҳамкорлик юзасидан музокаралар ўтказилди.

ШАҲАР

ДАМИЛАР

ВОҚЕЛАР

O'zLiDeP  
Матбуот хизмати  
хабар қилади

Маълумки, жорий йилнинг 3 апрелида мамлакатимиз раҳбарининг "Аҳоли ўртасида олиб борилаётган маънавий-маърифий ва тарғибот-ташвиқот ишларининг таъсирчанлиги ва самарасини оширишга қаратилган кўшимча чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори эълон қилинган эди. Мазкур қарор моҳиятини кенг оммага тушунтириш ва ижросини таъминлаш мақсадида О'зЛиДеП Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси махсус режа асосида жойларда турли тадбирлар уюштирмоқда. Шундай тадбирлардан бири Ёшлик талабалар шаҳарчаси "Маънавият ва маърифат" марказида ўтказилди. О'зЛиДеП "Ёшлар қаноти" ва Тошкент молия институти ташаббуси билан ташкил этилган ҳамда "Эгали юрт эркини берма!" шiori остида ўтган ёшлар фестивалида юртимизда баркамол авлодни вояга етказиш, мамлакат раҳбарияти томонидан кўрсатилаётган доимий ғамхўрликка жавобан ёшларни фаоллаштириш, уларда юртга дахлдорлик туйғуси, миллий қадриятларимизга садоқат ҳислатларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшларимиз орасида миллий истиқлол ғоясини кенг тарғиб этиш, уларда дунёда ва ён-атрофимизда рўй бераётган сиёсий жараёнларга нисбатан онгли муносабатни шакллантириш муҳим вазифа бўлиб қолаётганини таъкидладилар. Жумладан, О'зЛиДеП "Ёшлар қаноти" раҳбари Шукрат Орипов ёшларни Ватанга садоқатли ва унинг тақдирига бефарқ бўлмасликка, турли хил зарарли таъсирлардан жипс-лашган ҳолда ҳимояланишга чақирди. Фестивал ёш эстрада хонандаларининг концерти билан якуланди.

**Фаргона.** О'зЛиДеП Дастурида таъкидланганидек, партия сиёсий куч сифатида ислохотларнинг барча босқичларида эришилган натижаларни аҳоли фаровонлигининг ўсиши билан баҳолайди. Шу нуқтаи назардан келиб чиққан ҳолда партия фаоллари томонидан жойларда турли тадбирлар ўтказилмоқда. Яқинда ана шундай тадбирлардан бири "НАЗОКАТ ҲҚВ" маркази ишларига баҳо бериш, битирувчиларнинг изланишлари, ўрганган билим ва орттирган кўникмалари, сиёсий ва маънавий савияларини танлов орқали аниқлаш ҳамда бутун туман, қишлоқ аҳлига марказ таърибаси, илғор ғояларини тарғиб қилиш мақсадида Бағдод туманидаги "Тоҳир-Бағдод" телевидениесининг тантаналар майдонида ўтказилди. Унда марказнинг 50 нафар битирувчиси, уларнинг ота-оналари, Фаргона вилоят ва Бағдод туман ҳокимликлари ходимлари, вилоят Хотин-қизлар кўмитаси раиси М.Хўжаева, "Тадбиркор аёл" уюмаси раиси М.Салмонова, О'зЛиДеП вилоят кенгаши "Ёшлар қаноти" аъзолари, "Халқ сўзи" МЧЖ фирмаси фаоллари ва ҳаваскор санъаткорлар иштирок этишди.

Тадбир давомида Бағдод туманида фаолият кўрсатаётган "Халқ сўзи" МЧЖ фирмаси қошидаги "НАЗОКАТ ҲҚВ" маркази раҳбари Н. Ҳамроқуловнинг тадбиркорлик фаолияти ижобий баҳоланди. Шунингдек, марказ ютуқлари, битирувчи ёшларнинг эгаллаган маҳоратлари ҳақида илиқ фикрлар билдирилди. Фаол битирувчиларга эсдалик совғалари, дипломлар ва пул мукофотлари топширилди.

**Тошкент шаҳри.** Бугунги кунда республикаимизда аёлларга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Бу бежиз эмас, албатта. Соғлом, маънавиятли ва ижтимоий фаол аёл миллатнинг буюк келажакка пойдевор қўяди. Партия Тошкент шаҳар кенгашининг хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш гуруҳи, Чилонзор туман кенгаши ҳамда 1-Тошкент педагогика коллежи ҳамкорлигида "Хотин-қизларнинг жамиятдаги сиёсий, ижтимоий, маънавий, интеллектуал савиясини оширишда О'зЛиДеПнинг мақсад ва вазифалари" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари, халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутати Фарида Акбарова "Хотин-қизларнинг жамиятдаги сиёсий, ижтимоий, маънавий, интеллектуал савиясини оширишда партиянинг мақсад ва вазифалари", Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими М. Хусанова "Жаҳон ва Ўзбекистон сиёсати аёллари" мавзуида маърузалар қилдилар.

**Жиззах.** Дунёда содир бўлаётган ўзгаришлар халқаро, минтақавий ва миллий хавфсизлик таъминловчиларининг ўзаро узвий боғлиқлигини яна бир бор тасдиқламоқда. О'зЛиДеП Дастурида таъкидланганидек, демократик ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар, халқимизнинг маънавий тараққиёти, шунингдек, Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашувини мамлакат хавфсизлиги, жамиятда тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро ва фуқароларнинг тотувлиқни таъминлашдек фундаментал вазифаларни халқ қилмасдан тасаввур этиб бўлмайди. Бунинг учун, аввало, турли трансмиллий таҳдидларга қарши халқимизда, айланиб ўтишларимизда иммунитет ҳосил қилиш лозим.

Ёшларимизни доимо уйғоқ ва сергак бўлишга, тева-рак-атрофда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга теран кўз билан қарашга даъват қилиш мақсадида Жиззах вилоятидаги Форш қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежида О'зЛиДеП Форш туман кенгашининг "Ёшлар қаноти", прокуратура, ички ишлар бўлими, "Қамолот" ЁИХ туман бўлими ташаббуси билан "Терроризм — зулмат йўли" мавзуида давра суҳбати ташкил этилди. 154 нафар одам қатнашган мазкур тадбирда партия вилоят кенгаши масъул ходими М. Сувоққулов сўзга чиқиб, ёшларни огоҳликка, турли хил носоғлом ғоявий оқимлар таъсирини берилмасликка чақирди.

**Сирдарё.** Партиянинг вилоят кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти билан ҳамкорликда "Маънавият ва маърифат" марказида "Сиёсий партиялар ташкилий-кадр ва моддий-молиявий юксалиш босқичида: муаммо, изланиш ва ечимлар" мавзуида давра суҳбати ўтказди. Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти ходимлари, сиёсий партиялар ва Сиёсий таълим маркази фаоллари ҳамда бошқалар иштирок этган мазкур тадбирда О'зЛиДеП Сирдарё вилоят кенгаши томонидан амалга оширилаётган ишлар тўғрисида партия вилоят кенгаши раиси ўринбосари А. Жўраев маъруза қилди. Шунингдек, бошқа сиёсий партиялар ва ФЖИИ вакилларининг ҳам мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ислохотлар, бунда партияларнинг ўрни ҳақидаги маърузалари тингланди.

Тадбирда сиёсий партиялар фаолиятига баҳо берилди. Партиялар дастурларининг бажарилиши жараёнидаги мавжуд муаммоларга маърузачилар кўпроқ эътибор қаратдилар.



# Шифокор фидокор демакдир

— дейди Навоий вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Абдурахмон НОСИРОВ

Халқи саломат юрт бадавлат, келажаги эса порлоқ бўлади. Сиҳат-саломатлик йили, Ҳомийлар ва шифокорлар йили... Эътибор бераяспизми, ҳар иккала номланишда ҳам эл соғлиғи ҳақида давлат миқёсидаги ғамхўрлик мужассам. Бошқача айтганда, халқ саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ўтган йили бошланган кенг қўламли ишлар бу йил тадрижий тарзда давом эттирилмоқда ва ижобий самараларга эришилмоқда. Жумладан, Навоий вилоятида ҳам бу соҳада ўзига хос тажриба тўпланди. Қуйида шу ҳақда баҳс юритилади.

**Олим Хўжаев, «XXI asr» мухбири**

— Абдурахмон Мансурович, кейинги йилларда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини давр талаблари, жаҳон андозалари даражасида ривожлантириш, тиббий муассасаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилган кўплаб тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунини Навоий вилояти мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Шундай экан, вилоятда бу борда амалга оширилган ишлар ҳақида гапириб берсангиз.

— Маъқул. “Эл соғлиғи — юрт бойлиғи” деб бежиз айтишмайди. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати ва самарадорлиги биринчи навбатда унинг моддий-техника базасига, шифо масканларининг замонавий ускуна ва жиҳозлар, даволаш воситалари билан таъминланишига боғлиқ. Вилоятимизда бу борда сезиларли ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Қилинаётган ишларнинг ҳаммаси ҳақида бир суҳбатда батафсил сўзлаб бериш қийин, албатта. Шу боис кейинги икки йил ичидаги ишларга тўхталиб ўтсам. Биргина 2004 йилнинг ўзида 182 та қишлоқ врачлик пункти ва фельдшерлик-акушерлик пункти “Саломатлик-1” лойиҳаси асосида тўлиқ жиҳозланди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси шифохонаси ҳамда туман шифохоналарига 46 та компьютер олиниб, улар модём алоқасига уланди. “Саломатлик-2” лойиҳаси бўйича эса даволаш-профилактика муассасалари учун 71 та радиоалоқа воситалари олиб берилди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда вилоят ҳокимлиги томонидан 6 та “Дамас” автомашинаси ажратилди. Даволаш-профилактика муассасаларида “Сил касалликларини эрта аниқлаш” ДОТС дастури жорий этилди. Бир йилда аниқ дастур асосида шифо масканларини тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлаш учун 224 млн. сўм ажратиб режалаштирилган эди, тегишли ташкилотлар билан шартномалар тузилиб, ҳамкорликда 274,8 млн. сўм сарфланди.

— Мавқуд шифохоналарни таъмирлаш, янгиларини қуриш соҳасида эришилган натижалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз...


— 13 та янги қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Вилоят эндокринология диспансери, ўсимирлар ва чақирилувчилар маркази учун алоҳида биналар олиниб, таъмирланди. Хатирчи туман марказий шифохонасига қарашли турғуқ бўлими, болалар юқумли касалликлари шифохонаси, болалар поликлиникаси, Қизилтепа туман шовилинч тиббий ёрдам бўлими, Кони-мех туман марказий шифохонасининг турғуқ ҳамда сил касалликлари бўлимлари учун ажратилган биналарда мукамал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Вилоят турғуқ мажмуи таркибидан “Бехатар оналик” маркази ташкил этилди ва ХОУП

лойиҳаси ҳамкорлигида жиҳозланди. Вилоят ўсимирлар ва чақирилувчилар маркази таркибидан эса “Болалар ва ўсимир қизлар” репродуктив маркази учун алоҳида жой ажратилиб, зарур асбоб-ускуналар билан тўлиқ таъминланди. Ҳаммаси бўлиб 108 та даволаш-профилактика муассасасида 846,4 млн. сўмлик мукамал ва жорий таъмирлаш ишлари бажарилди.

— Мамлакатимизда 2005 йил “Сиҳат-саломатлик йили”, 2006 йил эса “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилинганлиги бутун мамлакатимизда бўлгани каби Навоий вилоятида ҳам соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун янги имкониятлар очди. Шундай эмасми?

— Мен мамлакатимиз Президентини ва ҳукумати томонидан юртимизда соғлиқни сақлаш тизими тараққиёти, ватандошларимиз саломатлигини мустаҳкамлаш йўлида катта ғамхўрлик кўрсатилганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Юксак даражадаги эътибор ва ғамхўрлик самаралари ҳозирдаёқ яққол кўриниб турибди. Яқунланган Сиҳат-саломатлик йили ҳамда жорий йилнинг дастлабки чорагида вилоят шифо масканларининг эл саломатлигини сақлаш борасидаги имкониятлари беқиёс даражада кенгайди. Даволаш масканларини бугунги талаблар даражасида жиҳозлаш борасидаги ишлар янги босқичга кўтарилди. Тизимнинг автотранспорт паркидаги транспорт воситалари сони 15 та ортди. “Саломатлик-1” лойиҳаси бўйича даволаш-профилактика муассасаларига 50 млн. сўмлик сунъий нафас олиш ва наркоз аппаратлари, катта жарроҳлик анжомлари олиб берилди. Шунингдек, 48 та қишлоқ врачлик пунктига ҳам қўшимча тиббий анжомлар ажратилди. Бюджет маблағлари ҳисобидан республика шовилинч тиббий ёрдам илмий маркази Навоий вилоят филиали, Хатирчи ва Навбахор туман марказий шифохоналари 78,3 млн. сўмлик бешта эзофагогастрофиброскоп аппаратлари билан таъминланди. Кони-мех туман марказий шифохонаси учун худди шундай аппарат “Саломатлик” лойиҳаси орқали олинди.

Республика эндокринология ассоциацияси томонидан диабет мактабини ташкил қилиш мақсадида вилоят эндокринология диспансери етарли даражада компьютер, телевизор, видеомагнитофон, телефакс, нусха кўчириш аппарати ҳамда мебель билан жиҳозланди. Бюджет маблағлари ҳисобидан 10 та стоматология хонаси учун 120 млн. сўмлик жиҳозлар олинди, ҳозирги пайтда улардан умумий фойдаланилмоқда. Шунингдек, вилоят сил касалликлари диспансери ДОТС маркази ва ОИТС марказига “Глобал фонд” лойиҳаси томонидан автотранспорт, компьютер ва даволаш асбоблари олиб берилди. Буларнинг барчаси вилоятимизда аҳоли саломатлигини сақлаш, даволаш-профилактика ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга ёрдам бермоқда.



— Касалликни даволаш кўра унинг олдини олган маъқул. Бу борда қандай ишлар қилинаётган?

— Аҳоли ўртасида юқумли касалликларни камайтириш ва олдини олиш мақсадида ДСЭНМ билан ҳамкорликда режа асосида эмлаш ишлари, тиббий кўрик ўтказилмоқда. Олти яшар болалар, туғиш ёшидаги аёллар, ўсимирлар, талаба ёшлар ва чақирилувчилар, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, байналминал жангчиларни тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш йўлга қўйилган. Шунингдек, аҳоли ўртасида турли касалликларга чалинишининг олдини олиш мақсадида “Соғлом оила — соғлом авлод”, “Саломатлигимиз — ўз қўлимизда” сингари мавзуларда семинар ва суҳбатлар ўтказилмоқда.

— Амалга оширилган даволаш-профилактика ишларининг қутилган натижани бериши кўп маҳорати ва касбий фидойилигига боғлиқ. Бу борда амалга оширилган ишлар ҳақида ўртоқлашсангиз...

— Бугунги кунда вилоятимиз аҳолисига 8657 нафар врач ва ўрта тиббиёт ходими хизмат кўрсатапти. Врачларнинг 55 фоизи, ўрта тиббиёт ходимларининг 34,5 фоизи муайян тоифага эга мутахассислардир. Уларнинг малакаси доимий равишда ошириб борилаёпти. Ўтган йили 300 га яқин врачимиз Тошкентдаги врачлар малакасини ошириш институтида ўқиб келди. 1225 нафар ўрта тиббиёт ходими вилоят ўрта тиббиёт ходимлари ва дорилушнослар малакасини ошириш билим юртида таҳсил олди. Бир неча

шифокоримиз эса Россия Федерацияси ва Украинада малака ошириб қайтди. Ходимларимиз учун турли долзарб мавзуларда семинарлар ташкил этилапти. “Сиҳат-саломатлик йили”, “Ҳарбий чақирувга тайёргарлик”, “Сил касалликларининг олдини олишининг долзарб муаммолари” сингари мавзулардаги семинар-ўқув машғулотлари ва семинар-тренинглари шулар жумласидандир.

Вилоятимиз соғлиқни сақлаш ходимларининг аксарияти шифокорликни эл-юрт саломатлиги йўлидаги фидокорлик деб билган аълоб мутахассислардир. Уларнинг ибратли фаолияти, масъулиятли меҳнати муносиб тақдирланмоқда. Жумладан, ўтган икки йил ичида 5 нафар шифокоримиз Ватаннинг юксак мукофотлари — орден ва медалларга сазовор бўлди.

— Мана, Ҳомийлар ва шифокорлар йилининг ҳам дастлабки чораги яқунланди. Ана шу йўналишдаги дастуринг бажарилиши қандай бўлаяпти?

— Президентимиз томонидан 2006 йил “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилинганлиги муносабати билан ишлаб чиқилган ҳукумат ва вилоят дастурлари доирасида муайян чора-тадбирлар белгиланиб, амалга оширилмоқда. Йил бошида тизимда кўп йиллардан буён ишлаб келаётган пенсиядаги ва ногирон ходимларимиздан 20 нафари учун Бухоро шаҳри ва Баҳовуддин Нақшбанд зиёратгоҳига саёхат уюштирилди. Кам таъминланган ва ногирон ходимлардан бир неча киши мамлакатимиз сирхатгоҳларида саломатлигини тиклаб қайтди. Асосий мақсадимиз эса малакали, ихтисослашган тиббий хизматни имкон қадар бевосита яшаш жойла-

рига яқинлаштиришдир. Вилоятимизнинг ўзига хослиги, чўл худудларидан иборатлиги, аҳоли пунктларининг тарқоқ жойлашганлиги сабабли Қизилқумдаги даволаш-профилактика муассасаларига амалий-услубий ёрдам кўрсатилаёпти. Аҳолини тиббий кўриқдан ўтказиш ва соғломлаштириш мақсадида “Соғлом авлод учун” жамғармаси ва “Дори-дармон” ДАБ билан ҳамкорликда ҳар бирига 7 тадан мутахассис бирлашган кўма тиббий хизмат гуруҳлари ташкил этилди ва улар фаолият кўрсатмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, вилоят кўриқдан ўтказиш, аниқланган беморларни соғломлаштиришни ўз вақтида ва самарали олиб бориш, барча ёлғиз пенсионерлар ва ногиронларни стационар, амбулатория ва уй шароитларида даволаш юзасидан тегишли тадбирлар белгилаб олинган. Жумладан, ҳозирги кунда вилоятимизда 979 нафар ёлғиз ва ногирон пенсионерлар бўлиб, уларнинг 900 нафарга яқини тиббий кўриқдан ўтказилди. Айтиш мумкин, 37 нафари эса уй шароитида даволаниб, соғломлаштириш ишлари амалга ошириляпти.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, 2006 йил “Ҳомийлар ва шифокорлар йили” деб эълон қилиниши вилоятимизда аҳоли соғлиғини сақлаш, шифо масканларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, тиббий хизмат кўрсатишни замон талаблари даражасида ташкил этиш учун катта имкониятлар очиб берди. Энди ҳамма гап ана шу имкониятлардан ўринли ва умумий фойдаланишдадир. Вилоятимиз соғлиқни сақлаш тизими ходимлари бу ғамхўрликка жавобан бундан буён ҳам аҳоли саломатлиги йўлида астойдил ишлайдилар ва ўз бурчларини шараф билан адо этадилар.

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Бухоро вилоят кенгашининг Сиёсий таълим марказида “Хотин-қизларнинг жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, сиёсий-ҳуқуқий мавқеини оширишда О`zLiDeP депутатлик гуруҳларининг вазифалари” мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

## Депутатлик гуруҳларининг муҳим вазифалари

■ **Асхор ИСТАМОВ, “XXI asr” мухбири**

Анжумани партия вилоят кенгашининг раиси Мансур Зокиров кириш сўзи билан очди.

Тадбирда О`zLiDeP депутатлик гуруҳларининг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорини амалга оширишдаги иштироки, шунингдек, бу гуруҳларнинг республикада фермерлик ҳаракати ва тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини аҳолининг кенг қатламларига етказишдаги вазифалари хусусида сўз юритилди.

Анжуман қатнашчилари аҳолининг бандлик даражасини кўтариш, ишга лаёқатли қатламларини касаначилик асосида ишлаб чиқаришга жалб қилиш, уларнинг ижтимоий таъминотини яхшилаш мақсадида жойларда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишдилар. Маҳаллий кенгашлардаги О`zLiDeP депутатлик гуруҳларининг Ҳомийлар ва шифокорлар йили доирасида худудий дастурларни амалга оширишдаги вазифалари хусусида ҳам семинар-тренинг иштирокчиларига атрафли маълумот берилди.

Кун тартибидagi масалалар юзасидан сўзга чиққан фалсафа фанлари доктори Гулчехра Наврўзова, Гижувон туманидаги “Қамолот” фермер ҳўжалиги раҳбари, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутаты Муътабар Жабборов ва вилоят “Тадбиркор аёл” уюшмаси раиси Дилбар Аҳмедова ва бошқалар жойлардаги депутатлик гуруҳлари ишини янада жонлантириш, вилоят Хотин-қизлар кўмитаси билан партия вилоят кенгаши ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, фермер ва тадбиркор аёлларнинг самарали иш юритишлари учун тегишли шарт-шароит яратиш, улар учун зарур имтиёзлар белгиланишига эришиш, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларида аёллар билан олиб борилаётган ишларнинг давр талаблари даражасида бўлишни таъминлаш борасидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Фермерлик, тадбиркорлик ва касаначилик билан шуғулланиш истагида бўлган аёлларга банклар томонидан кредит маблағлари ажратишдаги айрим тўсиқлар бартараф этилиши лозимлигини таъкидладилар.

Семинар-тренинг О`zLiDeP Сиёсий таълим маркази ҳузуридаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар ва партия тузилиши кафедраси мудири, фалсафа фанлари номзоди Нодира Мусаева сўзга чиқди.

Сирдарё вилоят “Маънавият ва маърифат” марказида О`zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси ҳамда Хотин-қизлар кўмитаси, вилоят “Тадбиркор аёл” уюшмаси, касаб ва уюшмалари вилоят кенгаши билан ҳамкорликда “Замонамиз аёли” шоу-дастури ўтказилди.

## «Замонамиз аёли»

Гулистонда ана шундай номланган шоу-дастур ва танлов бўлиб ўтди.



Унда партиянинг гоя ва мақсадларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилаётган хусусий ишлаб чиқаришни йўлга қўйиб, мамлакатимиз иқтисодиёти равангага хисса қўшаётган партия фаоллари танлови ҳам бўлиб ўтди.

Танлов шартларида кўра иштирокчилар санъат, пазандлик борасидаги маҳоратлари ҳамда ишлаб чиқараётган маҳсулотларини намойиш этдилар. Партия Низоми ва Дастурида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиб, мамлакатимиз иқтисодиётига қўшаётган хиссалари ҳақида гапириб бердилар.

Танлов натижаларига кўра, О`zLiDeP Мирзаобод туман кенгаши раисининг ўринбосари Салимаҳон Мадисаева олий, Гулистон шаҳар “Машҳура-М” фирмаси раҳбари, бошланғич партия ташкилоти раиси Мавжуда Рустамова биринчи, Янгийер шаҳридаги “Бекажон-ЯН” фирмаси раҳбари, партия Янгийер шаҳар кенгаши раисининг ўринбосари Эркинбой Мамажонова иккинчи, Бобўев туманидаги “Шоира Курбонова” фирмаси раҳбари, Халқ депутатлари туман кенгаши депутати Саодат Қорабоева учинчи ўринларни эгаллашди.

Анжуман якунида О`zLiDeP аъзолигига қабул қилинган 60 нафар ёш тадбиркорга партия гувоҳномалари топширилди. 200 нафардан зиёд партия фаоллари қатнашган тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари Д.Хайдарова, О`zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг масъул ходимлари Х.Кўчқорова, С.Муслимова, Р.Аназарова иштирок этдилар.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

БАҲС-МУНОЗАРА

КўРИК-ТАНЛОВ



## БИРЖА ФАОЛИЯТИ

МЕХНАТ билангина абадият ва  
шон-шухрат чўққисига  
кўтарилишимиз мумкинРКМБ: сонда ҳам, сифатда  
ҳам ижобий ўзгаришлар

Республика Кўчмас мулк биржаси юртимизда ташкил этилган бозор инфратузилмасининг қалдирғоч ташкилотларидан бири ҳисобланади.

Ўзининг 12 йиллигини қаршилаётган мазкур биржа ўтган давр ичида тадбиркор ва ишбилармонларга самарали хизмат кўрсатиш билан бирга республикада кўчмас мулк бозорининг етакчи муассасаси мавқеини эгаллаб келмоқда. Биржанинг 2006 йил биринчи чорагидаги фаолияти яқунлари, эришилган ютуқлар, ечимини кутаётган муаммолар ва келгусидаги режалари ҳақида бошқарув раиси Абдувахоб Имомалиев билан суҳбатлашдик.

■ Суҳбатдош: Тоҳир МИРХОДИЕВ

— РКМБнинг 2006 йил биринчи чорагидаги иш натижалари қандай бўлди?

— Биржамиз ходимлари жорий йилда кўтаринки руҳда иш бошладилар. Негаки, 2005 йилни юқори кўрсаткичлар билан яқунлаган эдик. Жамоамиз олдида ўтган йилда эришилган натижаларни нафақат янада салмоқли муштақамлаш, балки янги кўрсаткичларга эришишдек масъулиятли вази фа турарди. Жорий йилнинг биринчи чораги натижаларига тўхта-ладиган бўлсак, ушбу давр мобайнида биржа тизимида 17,5 млрд сўмлик заиё 7 мингга яқин мулк савдоси бўлиб ўтди.

1260 дан зиёд давлат мулки буйича 3,6 млрд сўмлик битимлар тузилди. Давлат объектларининг сотилиш ҳажми ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан 270 фоизни ташкил этди.

Умумий савдо ҳажмида нодавлат мулкларнинг сотилиши (яъни иккиламчи бозор) салмоқли бўлиб, 5700 та нодавлат мулк қарийб 14 млрд сўмга сотилди. Мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг шу давридаги савдо ҳажмига нисбатан 150 фоизни ташкил этди.

Бу ютуқларга эришишда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётни либераллаштиришга доир қабул қилинган ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалда кенг қўлланила бошлангани, бозор механизмларининг ҳаётага кенг жорий этилаётгани ҳал қилувчи омил бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги "Паст рентабелли, зарар қўриб ишлаётган, иқтисодий ноҳор давлат корхоналари ва объектларини хусусийлаштиришни жаддаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 368-сонли қарорига мувофиқ корхоналар, объектлар, улушлар ва мол-мулкни Республика Кўчмас мулк биржасининг биржа савдосига белгиланган тартибда қўйилишини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Қарор талабларига асосан савдо ҳараёнида бир ойдан ортқ вақт мобайнида мулкка харидор чиқмаса, ҳар бир савдо сессияси мобайнида унинг бошланғич нархини босқичма-босқич 5 фоиздан пасайтириш механизми қўлланилади. Ҳозирги кунда белгиланган муддат давомида сотилмай турган давлат объектларига нисбатан уларнинг бошланғич баҳоларини пасайтириш механизми амалда кенг қўлланилапти.

2006 йилнинг биринчи чорагида бошланғич баҳосини босқичма-босқич пасайтириш механизми асосида қолдиқ баланс қиймати 1,2 млрд сўмдан кўпроқ бўлган 138 та мулк қарийб 2 млрд сўмга сотилишига эришилди.

Бундай усулда савдога қўйилган мулкларнинг ўртача сотилиш баҳоси уларнинг қолдиқ баланс қийматига нисбатан 167 фоизни ташкил этди. Яъни мулкларнинг аксарияти энг паст нархларга

тушмасдан олдин ўз харидорларини топди.

Ҳозирги кунда Кўчмас мулк биржаси тизимида ҳафтанинг душанба, чоршанба ва жума кунлари ўтказилаётган марказлашган электрон биржа савдоларида 16 та савдо майдончаси доимий фаолият кўрсатмоқда. Ушбу савдо майдончалари Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус ва Тошкент шаҳарлари ҳамда вилоятлар марказида жойлашган бўлиб, уларда 250 нафардан зиёд малакали брокерлар, яъни биржа аъзолари тенг шартларда савдоларда фаол иштирок этиб, мижозларга астойдил хизмат кўрсатмоқдалар. Агар 2005 йил 1 апрель ҳолатига юридик шахс мақомига эга 110 та брокерлик идораси фаолият юритган бўлса, 2006 йилнинг шу даврида бундай брокерлик идоралари сони 270 тадан ошди.

РКМБнинг амалда бўлган савдо тизими дастури оддийлиги, ишончилиги, биржа аъзолари ва харидорларга тушунарли ҳамда қулай бўлганлиги ҳам савдолар ҳажмининг орттишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

— Маълумки, сўнгги йилларда акциядорлик жамиятларида йиллик бизнес-режаларни ишлаб чиқиш ва уларнинг бажарилиши юзасидан акциядорларга ҳисобот бериш жамият фаолиятида муҳим аҳамият касб этмоқда. РКМБ ёшиқ акциядорлик жамиятида 2005 йил бизнес-режаси қандай бажарилди?

— Қисқача айтганда бўлсам, биржамиз учун 2005 йил омадли кечди. Барча кўрсаткичлар буйича юқори натижаларга эришдик.

Бунга асосий сабаб, тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқий муҳофаза қилинишни муштақамлаш, солиқ юкини камайтириш, солиқларни тўлашни ҳамда ҳисоботлар топширишни соддалаштириш, молиявий жавобгарликни эркинлаштириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини текширишларни тўдан қисқартириш ва ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилингандир. Бу ҳужжатлар бозор ислохотларини чуқурлаштиришда ва иқтисодиётни эркинлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Иқтисодий тизимда эришилаётган ижобий натижалар биржаларда савдолар ҳажмининг ошишига тўғриватган тартибда биржа савдоларини текширишларни тўдан қисқартириш ва ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилингандир. Бу ҳужжатлар бозор ислохотларини чуқурлаштиришда ва иқтисодиётни эркинлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Иқтисодий тизимда эришилаётган ижобий натижалар биржаларда савдолар ҳажмининг ошишига тўғриватган тартибда биржа савдоларини текширишларни тўдан қисқартириш ва ташкил этиш тизимини такомиллаштиришга қаратилган Президент фармонлари ва қарорлари қабул қилингандир. Бу ҳужжатлар бозор ислохотларини чуқурлаштиришда ва иқтисодиётни эркинлаштиришда муҳим роль ўйнамоқда.

Биржамизнинг 2005 йил учун тасдиқланган бизнес-режаси барча йўналишлар буйича қониқарли даражада бажарилди.


ши юқори баҳоланди.

— Биржанинг 2006 йилги режалари, биржа савдоларини ўтказиш тартибини такомиллаштириш учун қўриладиган чора-тадбирлар хусусида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.

— РКМБ тизимида ўтказилаётган биржа савдоларининг самарадорлигини ошириш, меъёрий ҳужжатларни мукамаллаштириш, савдо жараёнини тартибга солиш ва соддалаштириш буйича биржа томонидан мунтазам равишда тегишли чора-тадбирлар қўрилмоқда.

Хусусан, биржа бошқарувининг 2004 йил 13 декабрдаги "РКМБ тизимида ўтказилаётган биржа савдоларида комиссия ва брокерлик хизмати тўловларини аввалдан тўлаб иштирок этишни таъминлаш тўғрисида"ги буйруғига мувофиқ барча биржа аъзоларига мижозлар билан шартнома-топширик имзолашда комиссия йиғим ва брокерлик хизмати ҳақи қийматини тўлиқ ўтказгандан сўнг савдода қатнашиш тарти-

2000-2006 йилларнинг 1-чорагида сотилган объектларнинг жами сотув ҳажми тўғрисида қиёсий диаграмма



би жорий этилди.

Ўтган йил давомида барча биржа аъзолари, яъни брокерлар ушбу тартибга асосан савдоларда иштирок этдилар. Албатта, брокерлар савдоларда Давлат мулки қўмитасининг ваколатли агенти - "Давинком" давлат инвестиция фирмаси ҳамда савдо ташкилотчисининг комиссия тўловлари амалга оширилганидан сўнг савдоларда иштирок этиши тартиби савдо жараёнида мижозлар ва биржа аъзоларининг масъулияти ошишини таъминлади.

Бирок ҳаёт мавжуд экан, у ҳар бир соҳада янгилашни бўлишини, иш жараёнини такомиллаштиришни талаб этади.

Ушбу тамойиллардан келиб чиқиб, биржамизнинг 2006 йилги режаларини белгилаб олганмиз.

Ҳозирги пайтда РКМБ тизимида ҳафтада уч маротаба бир босқичли марказлашган электрон биржа савдолари ўтказилаётган бўлса, жорий йилда ҳафтада беш маротаба 2 босқичли савдо ташкил этишини режалаштирганмиз. Албатта, бу биржа савдоларини ўтказиш қондалари ҳамда тартибга тегишли ўзгартиришларни киритишни, биржанинг техник воситаларини кўпайтиришни талаб этади. Уйлаимизки, бу чора-тадбирлар биржада савдолар самарадорлигининг янада ошишига ва фаолияти такомиллаштиришга хизмат қилади.

— Жорий йилнинг биринчи чорагида хусусийлаштириш дастури бажарилишига РКМБ қўлган хисса қандай бўлди?

— Жорий йилнинг ўтган даврида Президентимизнинг 2005 йил 14 мартдаги "2005-2006 йилларда корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури тўғрисида"ги қарорига асосан 1000 дан зиёд

корхона, масъулияти чекланган жамият давлат улушлари, кўчмас ва бошқа мулклар биржамиз тизимида ташкил этилаётган савдолар орқали сотилиши белгиланган.

Масалан, 2006 йилда 331 та объект сотилиши кўрсатилган бўлса, биринчи чорада уларнинг 114 таси 2808 млн сўмга сотилишига эришилди.

— Биржага уй-жой қуриш учун умрбод эгалик қилиш ва меросга қолдириш ҳуқуқи билан сотиладиган ер майдонлари савдоси қандай борапти?

— Биржа тизимида очик аукцион савдолари Президентимизнинг 1994 йил 24 ноябрдаги ПФ-1009 сонли "Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги 575-сонли "Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан ташкил этилади. Ай-тиш лозимки, ушбу ҳужжатлар кўп йиллар давомида аҳамиятини йўқотмай амал қилаве-

жараёнларини янада кенгайтириш ва чуқурлаштиришга эришиш мумкин. Бу хусусий ва оилавий бизнесни янада кенгайтиришнинг гарови, ипотеканинг бошқа шакллари ривожлантиришнинг кучли омили бўлиб хизмат қилади. Айтиш керакки, амалда мавжуд бўлган, лекин давлатнинг назоратидан четда қолётган кўчмас мулк ва бундай мулк жойлашган ер участкалари буйича савдо айланмасининг қонунчилиги ва ошқоралигини таъминлайди", — деб таъкидлаб ўтдилар.

Уйлаимизки, яқин кунларда бу соҳада ҳам тегишли ишлар амалга оширилади ва 2006 йилнинг кейинги даврида уй-жой қуриш учун ер майдонларининг аукцион савдолари жонланади.

— Кўчмас мулк бозорини янада ривожлантириш учун яна нималар қилиш зарур, деб ҳисоблайсиз?

— Биржада савдо ҳажми йилдан-йилга сезиларли даражада ошиб бораётган бўлса-да, кўчмас мулк бозорининг барча имкониятларидан тўлиқ фойдаланилмоқда, деб айтиш қийин.

Мамлакатимиз иқтисодиётига хориж сармоясини жалб этиш борасида интернет тизимидан кенг фойдаланишимиз лозим. Шунинг учун ҳам жозибдорлик даражаси юқори бўлган мулкларни интернет сайтларига мунтазам жойлаштиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Кўчмас мулк бозори шундай оқсалиши лозимки, унда яратилган шарт-шароит ҳар бир мулк эгасига ёки мулкни сотувчига керакли ахборотларни мавжуд биржа тизими орқали кенг миқёсда олиш, мулкни сотиб олиш ёки сотиш, ишончли бошқарува бериш ёки олиш, қўйинг-чи, кўчмас мулк билан боғлиқ барча хизматларни ошқора амалга ошириш учун қулай имконияти тугдириши лозим.

Шу билан биргаликда ҳозирги кунда Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 15 февралдаги "2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ақунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари тўғрисида"ги қарори талабларига мувофиқ биржа ва кимовши савдоларида кўчмас мулкни сотишдаги воситачилик тўловларига, кўрсатилган хизматларга ҳужжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини камайтириш, бинолар ва иншоотларни улар жойлашган ер участкалари билан бирга сотиш, уй-жой қуриш учун ер майдонларининг сотилиш тартиби тўғрисидаги масалалар юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланмоқда.

Бу масалалар Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, "Ўзгеодекадастр" давлат қўмитаси мутахассислари билан биргаликда ҳал этилмоқда.

Уйлаимизки, тадбиркорлар ва ишбилармонларга қўшимча қулайлик ва имкониятлар, энгилликлар яратилиши, мулкдорларга бинолар ва иншоотларни улар жойлашган ер участкалари билан бирга хусусийлаштириш ҳуқуқини бериш ҳисобига сотиладиган объектлар сонини кўпайтириш борасида очилаётган янги имкониятлар юртимиз иқтисодиётига янада оқсалишига, бунинг натижасида эса биржамиз фаолияти ҳам кенгайишига хизмат қилади.

ХУШХАБАР

Қаршининг 2700 йиллиги олдидан шаҳар марказида "Насаф травел" компаниясига қарашли меҳмонхона фойдаланишга топширилди. 22 ўринга мўлжалланган уч юлдузли замонавий меҳмонхона ҳамда 150 нафар мижозга мўлжалланган ресторан меҳмонлар ва воҳа аҳолисига хизмат кўрсата бошлади.

## Муносиб тўхфа

Янги меҳмонхонанинг очилиш маросимида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Қашқадарё вилоят кенгаши, "Ўзбектуризм" вилоят сайёҳлик маркази ҳамда "Насаф травел" компанияси ҳомийлигида кам таъминланган оилаларнинг 20 нафар фарзанди суннат тўйлари ўтказиб берилди. Тўйболаларга O'zLiDeP вилоят кенгаши ва компания томонидан совғалар улашилди, уларнинг ҳар бирига 10 минг сўмдан пул қўйилган омонат шоғулфатчалари топширилди.

Пойтахтимизда Марказий банк ташаббуси билан тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳридаги тижорат банклари, Савдо-саноат палатаси ҳамда мутасадди ташкилотларнинг раҳбар ва мутахассислари иштирок этишди. Йиғилишда хусусий секторга кўрсатилаётган лизинг хизматини янада такомиллаштириш, соҳани хорижий ҳамда маҳаллий кредит ҳисобидан молиялаш масалалари қўриб чиқилди.

## Хусусий секторга — молиявий ёрдам

Таъкидланганидек, бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишлаб чиқарувчиларнинг кредитга бўлган эҳтиёжини қондириш устувор вазифалардан бири саналади. Бу борада қатор имтиёз ва қулайликлар яратилган. Молия муассасалари томонидан ишлаб чиқилган дастур асосида аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Иштирокчилар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларнинг банк хизматларидан самарали фойдаланиш йўллари, кредит йўналишларининг ўзига хос жиҳатлари ҳамда бу борада қабул қилинган қонунларнинг ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратишди.

Давра суҳбатида, шунингдек, кичик бизнес ва тадбиркорликка ажратилаётган кредитлар ҳажмининг барқарор ўсишини таъминлаш, аниқса микрокредит ва микролизинг хизматини кенгайтириш орқали янги иш ўринларини яратиш каби масалалари ҳам муҳокама этилди.

Ўзбекистон-Россия алоқалари таълим тизимида ҳам ривожланиб бормоқда. Тошкентда Россиянинг Г.В. Плеханов номли иқтисодиёт академияси филиали қўлдан бери фаолият юритаётгани, қолаверса, шу ҳафта Россия Федерацияси таълим ва фан вазирликлари вакиллари делегацияси мамлакатимизда бўлиб, қатор олий ўқув юртлири билан ҳамкорликни ривожлантириш масаласи юзасидан учрашувлар ўтказганлиги фикримизга ёрқин далилдир.

## Таълим соҳасида ҳамкорлик

Шу ҳафтада пойтахтимизда яна бир муҳим тадбир бўлиб ўтди. "Ўзэксомарказ"да "Россиядаги бугунги таълим" деб номланган кўргазма иш бошланди. Унда Россиянинг таълим муассасалари фаолияти ва имкониятларига оид адабиётлар, махсус услубий қўлланмалар намойиш этилмоқда. Кўргазманинг очилиш маросимида мазкур мамлакатнинг 20 дан ортқ олий ўқув юрти вакиллари катнашдилар.

Суэга чиққанлар ушбу тадбирдан мақсад Ўзбекистон-Россия ўқув юртлири ўртасида тўғриватган алоқаларни ривожлантиришдан иборат эканлигини таъкидлашди. Шунингдек, кўргазма МДХ республикалари орасида илж маротаба айнан Ўзбекистонда ўтказилаётгани бежиз эмаслиги, чунки бу юрда таълимга эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилгани, қолаверса, Ўзбекистон бу соҳада ўрناق олишга арзиғулик ютуқларга эришгани алоҳида айтиб ўтилди. Кун тартибидан ўрин олган давра суҳбати, қатор учрашувларда ҳам икки томонлама ҳамкорлик истиқболлари муҳокама этилди. Бу каби тадбирлар ҳар икки давлат олий ўқув юртлири, ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, илмий салоҳияти, етуқ кадрларнинг ўзаро тажриба алмашувини йўлга қўйиш шартит яратиши тўғрисида фикрлар билдирилди.

АНЖУМАН

ТАДБИР





# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» IJTIMOYIY-SIYOSIY GAZETASI ILOVASI

WWW.21ASR.COM



## ХАР ҚАНДАЙ ЮКСАК ҒОЯ ЎЗИНИНГ АМАЛИЙ ИФОДАСИНИ ТОПГАНДАГИНА ЖАМИЯТГА НАФ КЕЛТИРАДИ

### Фаолиятимиздан қониқиш ҳосил қилишга ҳали эрта

— дейишади «Касби-88» транспорт ширкати  
бошланғич партия ташкилоти аъзолари

Бундан уч йил муқаддам автокорхона иқтисодий жиҳатдан ночор аҳволга тушиб қолган, транспорт воситалари учун эҳтиёт қисмлар етишмас, уларни ёнилғи-мойлаш материаллари билан таъминлаш эса жиддий муаммага айланган эди. Ойлик маошдан қарздорликни-ку, айтмай қўя қолайлик. Хўш, нима қилиш керак?

■ Сайфулла ИКРОМОВ,  
«XXI asr» мухбири



Корхонага ёш, ташаббускор мутахассис, O'zLiDeP аъзоси Абдукарим Шохимардонов раҳбар бўлиб келди-ю, аҳвол ижобий томонга ўзгара бошлади. Энг муҳими, орадан ярим йил ўтар-ўтмас, мавжуд қарзлар езилди, ишдан бўшаб кетганлар яна ўз ўринларига қайтишди.

— Аҳиллик ва ташкилотчиликда ҳикмат кўп экан, — дейди бошланғич партия ташкилоти раиси Хамдам Саидниёзов. — Уша кезларда бошланғич партия ташкилотининг фаолиги яққол намойиш бўлди. Йўналишларда корхонадаги иқтисодий вазиятни бир неча бор муҳокама қилдик, тегишли тadbирлар белгиладик. Сиёсий фаоллик оширилди. Кўпчиликнинг O'zLiDeP сафига кириш истагини билдирётганлари ҳам шундан.

Ха, ҳақиқатан ҳам корхона жамоаси нафақат туман миқёсидаги ташкилотлар, балки қўшни Муборак газни қайта ишлаш заводига ҳам хизмат кўрсатаётди. Баҳорги чигит экиш қизгин паллага кирган айти дамларда фермер хўжалиқларига урулдан тортиб, ўғитгача етказиб берилмоқда. Энг муҳими, мавжуд транспорт воситаларидан самарали фойдаланиш чоралари кўрилатири. Даромад ҳам шунга яраша. Ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш, моддий рағбатлантириш диққат марказида турган масалалардан биридир.

— Гапнигизга қараганда, ишлар жойига тушган, муаммолар қамайган...

— Бир қарашда шундай туюлади. Аммо биласиз, этни тирноқдан ажратиб бўлмайди. Хоҳлайсизми-йўқми, биз ҳаммамиз ушбу жамоа аъзосимиз. Унинг муаммолари ҳам, ютуқлари ҳам бизники. Бинобарин, корхонадаги сиёсий ва иқтисодий вазият доимий эътиборда. Хар бир йўғилишда тегишли соҳаларга масъул бўлган фаолларимиз ахборотларини тинглаймиз. Яқинда маҳаллий тadbиркор Яшин Холматов O'zLiDeP аъзолигига қабул қилишимизни сўраб, ариза билан мурожаат этди. Туманда яхши обрў-эътиборга эга бўлган бир инсоннинг бу қароридан қувондик, албатта. Ушбу йўғилишда корхонамизда узоқ йиллар ишлаган нафақахўр Қулмурот ота Сафаров сўз олиб, партия аъзоси сифатида ўз маҳалласида олиб бораётган ишлари ҳақида гапириб берди. Сафимизда катта ҳаётий тажрибага эга бўлган бундай одамларнинг борлиги бошланғич ташкилот нуфузини ошириши шак-шубҳасиз.

— Партиявий-сиёсий соҳадаги ишлар билан танишар эканмиз, O'zLiDeP фаолларидан бири, халқ депутатлари туман кенгаши депутати, корхона раҳбари Абдукарим Шохимардоновнинг фикр-мулохазалари билан қизиқдик. — Партияимизнинг дастурий максadлари халқ орузи-истаклари билан ҳамохангидир, — дейди у суҳбат чоғида. — Мамлакат иқтисодий салоҳиятини оширишга муносиб ҳисса қўшиш, ёшларни озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш, мустақиллигимизни асраб-

авайлашдек эзгу максadларга сафарбар этиш муқаддас бурчимиздир. Бунга эришмоқ учун эса хар биримиз ўз имкониятларимизни тўлароқ намойиш этишимиз лозим.



Хамдам  
САИДНИЁЗОВ

Зеро, эл-юрт қуруқ ваъдаларга эмас, балки амалга ошираётган ишларимизга қараб баҳо беради.

— Шахсан ўзингиз O'zLiDePнинг халқ депутатлари туман кенгашидаги вакили сифатида фаолиятингиздан қониқиш ҳосил қиласизми?

— Депутат сифатида сайловчиларимга ҳам, бошланғич партия ташкилотига ҳам вақти-вақти билан ҳисоб бериб тураман. Масалан, кейинги йилларда корхонамиз ва бошқа ташкилотлар ёрдамида Коратела қишлоғида электр энергияси, табиий газ ва ичимли сув таъмино-

ти яхшиланди. Кўчалар тўлиқ асфальтланди. Айти кунда янги мактаб қурилиши жадвали билан олиб борилмоқда. Ўқувчи-ёшлар учун вилоятдаги муқаддас кадамда ушбу масала яна бир қара муҳокама этилди. Маълум қишлоқларда зарур имкониятлар борлигига қарамай, чорвачиликни ривожлантиришга етарлича эътибор берилмапти.

— Демак, ҳали орамизда эскича фикрлайдиган, боқимандалик касалидан халос бўлмаган шахслар кам эмас, — дейди ташкилот етакчиси Хамдам Саидниёзов. — Мавжуд аҳволдан келиб чиқиб, жойларда тadbиркорлик фаолиятини янада кенгайтириш юзасидан кўшимча чора-тadbирлар кўриш лозим, деган хулосага келдик.

Шу максadда оммавий-тўшунтириш ишларини кучайтираемиз. Зеро, ўз ҳақ-хуқуқини билган киши ҳеч қачон панд емайди. Аслини олганда тadbиркорлик халқимизнинг қониди бор. Бу борадаги анъаналарни қайта тиклашимиз ва янада ривожлантиришимиз лозим. Меҳнатдан манфаатдорлик бўлган жойда иш самарадорлиги олиши, муаммолар ўз ечимини топаверади. Бунинг ўз фаолиятимиз мисолида яққол кўриб турибмиз. Ишчи-хизматчиларнинг сиёсий фаолиги олиб бормоқда. Улар ўз бурч ва мажбуриятларини чўқур англаб, корхона тараққиётига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Энг муҳими, фикр, онг, дунёқараш тубдан ўзгариб борапти.

Биз хар бир партия йўғилишига пухта тайёрларик кўрамиз. Шу боис улар қизгин фикр-мулохазаларга бой бўлади. Ўзингиз ўйланг: юқориде таъкидланганидек, одамларда тadbиркорлик кўникмаларини шакллантириш, ёшларнинг спорт билан шуғуллаишлари учун шарт-шароит яратиш, касаначиликни ривожлантириш, партия гоёларини тарғиб этиш билан боғлиқ масалаларни шунчаки кўриб чиқиш мумкинми, ахир!

Яна бир гап. Нодавлат нотижорат ташкилотлар, хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маҳалла» жамғармаси билан яқин ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Аммо барибир қилаётган ишларимиздан кўнгил тўлмайди. Хусусан, БПТлар фаолиятини янада жонлантириш, учун тегишли қўлланмалар, сиёсий адабиётлар етишмайди. «XXI asr» газетасини ҳисобга олганда, партия ҳаётига оид бошқа манбага эга эмасмиз. O'zLiDePнинг сиёсий ҳаётдаги ўрни, жойларда иш олиб бораётган партия фаоллари ҳақида кичик рисоалар чоп этилиб, жойларга тарқатилса, ҳаммамиз учун фойдали бўларди.

1974 йилда Касби туманида туғилган. 1998 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтини тугатган. Айти пайтда Рўзиқул Шохимардонов номидаги «Касби-88» транспорт ширкати маънавият ва маърифат маркази раҳбари, O'zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси.

жоларга саёхатлар уюштирилаяпти. Бу каби ишларда бошланғич ташкилотимиз фаоллари — Умид Мухторов, Саидкарим Ражабов, Жўра Нормуродов, Бахтиёр Бердиев сингариларнинг ҳиссаси катта.

Бошланғич ташкилотнинг жорий ой бошларида бўлиб ўтган йўғилишида давлатимиз раҳбарининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тadbирлари тўғрисида»ги қарори атироғлича муҳокама қилинган ва партия фаолларига хонадонлардаги аҳволни ўрганиш юзасидан тегишли топшириқ берилган эди. Яқин-

Термиз шаҳридаги «Тadbиркорлар маркази»да O'zLiDePнинг қуйи бўғини — бошланғич партия ташкилотига асос солинганига ҳадемай икки йил тўларкан. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг вилоят ҳудудий бошқармаси фаолият бошлаган ушбу ташкилотга кейинчалик ДМҚ вилоят бошқармаси, кўчмас мулк биржаси филиали, қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказининг ҳудудий бошқармаси, «Тошкент» республика фонд биржаси вилоят бўлими ходимлари ҳам аъзо бўлишди. Шу тариқа бошланғич ташкилот ҳисобиде турган O'zLiDePчилар сони 150 нафардан ошди.

### Сафлар кенгаймоқда

Бугунги кунда Сурхондарё вилоятида 450 та бошланғич партия ташкилоти фаолият кўрсатмоқда. O'zLiDeP аъзолари сони эса 20 минг 40 нафардан ошди.

■ Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ

Айти пайтда бинода фаолият юритаётган йирик ташкилотлардан бири — республика товар-хом ашё биржаси филиали брокерлари ҳам бирин-кетин партия сафига ўтмоқдалар. Таъкидлаш керакки, филиал жамоаси асосан фермерлар ва бошқа тadbиркорлик субъектларига хизмат кўрсатади. Биржа қошида ҳозир 180 та брокерлик ўрни бор. Термиз шаҳри ва барча туманларда биржанинг брокерлик идоралари фаолият юритапти. Шунингдек, қўшни Афғонистон, Тожикистон республикаларида ҳам брокерлик тўзиммалари очилди, улар миқозларга хизмат кўрсата бошладилар.

— O'zLiDeP аъзоси бўлган брокерлар ўз зиммаларига юклатилган вазифага алоҳида масъулият билан ёндашишмоқда, — дейди «Тadbиркорлар маркази» хузуридаги бошланғич партия ташкилоти раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Абдулҳаким Турдиев. — Шу боис уларнинг хизматидан кўпчилик мамнун.

Дарҳақиқат, биржа ходимлари ўтган давр мобайнида 16 миллиард 961 миллион 392 минг сўмлик маҳсулот сотишга эришишди. 5 миллион 843 минг 140 АҚШ долларини қийматига тенг бўлган экспорт контрактлари имзоланди. Англия, Тожикистон, Афғонистон, Франция, Голландия ва Россия каби мамлакатлар пахта сотиб олишган бўлса, бошқа давлатлардан ташриф буюрган тadbиркорлар «Шарғун шахтаси» АЖ, «Навоийазот» АЖ, «Сурхонзоиқовқатсанот» АЖ маҳсулотларини харид қилишди.

Яқинда «Тadbиркорлар маркази» биносида O'zLiDeP сафига қабул қилинган бир гуруҳ аъзоларга партия гувоҳномаларини топишига бағишланган тантанали йўғилиш бўлиб ўтди. Уни O'zLiDeP вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Қарши Фаниев очди. Шундан сўнг вилоят ҳокимининг хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари Мавлуда Қобилова, O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг масъул ходими Нуриддин Исроилов сўзга чиқиб, O'zLiDeP дастури, максad ва вазифалари, партия аъзосининг жамиятдаги ўрни ҳамда масъулияти ҳақида фикр юритишди. Анжуман сўнгида 30 кишига партия гувоҳномалари тантанали равишда топширилди.

Шундан сўнг партия сафига қабул қилинганлар сўз олиб, билдирган юксак ишончини оқлашга, партия дастурий гоёларини аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўлишга ваъда бердилар.

Бу каби тadbирлар АТ «Пахтабанк» вилоят бўлими, Термиз шаҳридаги машиий хизмат касб-хунар коллежиде ҳам бўлиб ўтди.



# Сиёсий етуклик

## кадрлар салоҳияти ва уларнинг фаоллиги билан белгиланади

Ҳозирги кунда кончилар шахрида 1400 нафардан зиёд O`zLiDeP аъзоси бўлиб, улар 54 та бошланғич ташкилотга бирлашган ҳолда иш олиб боришяпти. "Тиббий кўрик" хусусий шифохонаси бошланғич партия ташкилоти улар орасида ўзининг фаоллиги билан ажралиб туради.

■ **Дониёр КАМОЛ, «XXI asr» мухбири**

— Ҳар бир партиянинг куч-қудрати, салоҳияти, обрў-эътибори, энг аввало, кадрлар масаласи билан боғлиқ, — дейди шифохона бошланғич партия ташкилоти етакчиси Нормат Маҳаммадов. — Айтиш мумкин, муассасамизда 20 нафар ходим меҳнат қилади. Уларнинг тенг ярми O`zLiDeP аъзосидир. Очиги, оз бўлсин, соз бўлсин, деган нақлга амал қилаяпмиз. Зеро қатъий ва яқдиллик бўлса, оз куч билан ҳам кўп ишни амалга оширса бўлади. Светлана Гайковая, Любовь Григораш, Ирода Азимбоева сингари сафдошларимиз нафақат етук мутахассис, балки партиявий-сиёсий соҳадаги фаолликлари билан ҳам ажралиб турадилар. Шу боис кўпчилик улар ортидан эргашмоқда. Айтиш мумкин шифохона жамоаси 4,5 минг кишига хизмат кўрсатаётир.

Эслатиб ўтайлик: Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 майдаги "Давлат мулки айрим объектларини инвестиция мажбуриятлари эвазига бепул беришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 209-сонли қарорига мувофиқ Н.Маҳаммадов шахар марказий шифохонасига қарашли фойдаланмаётган икки қаватли бинони хусусийлаштириб олган эди. Утган йили 36 миллион сўмлик инвестиция қиритилди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари натижасида беморларга малакали хизмат кўрсатиш учун бу ерда замонавий қўлайликлар яратилди, 25 ўринли терапия бўлими, ди-

агностика маркази, дорихона, рентген-флюорография кабинети иш бошлади. Эндиликда лаборатория-ташхис маркази, реанимация бўлими-ни барпо этиш ҳам режалаштирилмоқда. — Шифохонамизда асосан аҳолининг декретив гуруҳи, яъни бюджет муассасаларида ишловчи кишиларга тиббий хизмат кўрсатилади, — дейди суҳбатдошимиз. — Ле-

**Нормат МАҲАММАДОВ,**  
1954 йилда Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманида туғилган. ТошМининг санитария-гигиена ва эпидемиология факультетини тамомлаган. 1995 йилдан буён Олмалик шахридаги "Тиббий кўрик" хусусий шифохонасини бошқармоқда. Муассаса бошланғич партия ташкилотининг раиси. Халқ депутатлари Олмалик шахар кенгаши депутати.

кин бугунги кун талабларидан келиб чиқиб, фаолиятимиз доирасини кенгайтираёلمиз. Касалликни олдиндан аниқлаш ҳамда замонавий усулларда даволаш имконини берадиган янги хил тиббий асбоб-ускуналарни сотиб олдик. Шу тўғрисида эндиликда бир вақтнинг ўзида ҳам беморга ташхис қўйиш, ҳам даволаш имконига эгамиз. — Ҳар бир ишда ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам бўлиши табиий. Сизни қандай муаммолар безовта қилади?

— Албатта, муаммолар йўқ эмас. Бу ҳақда гапирмасликнинг иложи йўқ, — дейди Н.Маҳаммадов. — Юқорида бюджет ташкилотлари ходимларини тиббий кўриқдан ўтказиш учун масъул эканлигимизни айтиб ўтдим. Бугунги кунга келиб, шахар соғлиқни сақлаш бўлими муассасамиздан 3,5 млн., шахар халқ ташкилоти бўлими эса 5,5 млн. сўм қарздор. Шаҳар молия бўлими эса

Мен бу хусусда мутасадди идоралар раҳбарлари билан бир неча бор суҳбатлашдим. Агар улар молиявий томондан қўллаб-қувватлашса, шифохонамизда юқоридаги касалликларни замонавий усулда аниқлаш ва даволаш ишларини йўлга қўйган бўлар эдик.

Ҳақ гап. Нормат Маҳаммадов раҳбарлик қилаётган "Тиббий кўрик" шифохонаси хозирча вилоятда ягона. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат қилиш жамоа учун осон кечаётгани йўқ, албатта. Яхшиямки, бошланғич ташкилот раиси ҳамда фаоллари қатъий инсонлар. Улар касбга садоқат намунасини кўрсатиш билан бирга партиявий-сиёсий ишларда ҳам ибрат бўлишяпти. Шунингдек, жамоада O`zLiDeP Дастури ва ғоявий мақсадларини кенг тарғиб қилиш учун барча имкониятлардан фойдаланаётир.

Хомийлик, саховатпешалик — халқимизга хос азалий қадриятлардан. Яқинда ўтказилган партия йиғилишида ташкилот раиси икки кишилик битта хонани кам таъминланган, ёрдамга муҳтож кишиларга ажратиш ва уларга бепул хизмат кўрсатиш тақлифни ўртага ташлади. Бу тақлиф

қарзни ундириб беришни пайсалга солиб келмоқда. Айтиш мумкин аҳоли орасида эндокринолог касалликлар кўпайиб бораётгани сир эмас. Аммо шахримизда қандли диабет, бўқоқ билан оғриган беморларни даволовчи шифо масканлари йўқ, диагностика марказлари ташкил этилмаган. Чўнтаги кўтарадиганлар пойтахтга бориб даволанишяпти. Бироқ кам таъминланган, иқтимоий химояга муҳтож юртдошларимизга кўпроқ эътибор қаратишимиз лозим.

Бухоро туманидаги O`zLiDeP бошланғич ташкилотлари фаолликни ошириб, омма орасига чуқурроқ кириб боришга ҳаракат қилмоқдалар.

— Президентимиз Ислам Каримов мустақилликнинг дастлабки йиллариданок "Эркин тадбиркор — фаровон жамият бунёдкори!" деган шioriни ўртага ташлаган эдилар. Ҳаётнинг ўзи танланган бу йўлнинг нақадар тўғри ва ҳаққонийлигини исботлаб турибди, — дейди ўзаро суҳбатда O`zLiDeP худудий тузилма бошланғич ташкилоти раиси Нурхон Рашидов. — Биз олдимизга қўйилган талаблардан келиб чиқиб, имкониятларимиз доирасини кенгайтиришга ҳаракат қиляпмиз. Жойларда тадбиркорлик фаолиятини эркинлаштириш, шубҳасиз, ўз самарасини бераётир.

■ **Эшмурод БОБОМУРОДОВ, «XXI asr» мухбири**

Масалан, "Ўзбекистон" ширкат хўжалиги пахта, галла ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш бўйича мўдوم оқсак келарди. Ҳўш, нима қилиш керак? Ушбу масала юзасидан туман ҳокимлиги, ширкат хўжалиги раҳбарияти, шунингдек, O`zLiDeP бошланғич ташкилоти билан ҳамкорликда таъсирчан чора-тадбирлар изланди. Нихоят, 2004 йил бошида хўжалик ерларининг бир қисми фермерларга тақсимлаб берилди. O`zLiDeP аъзолари Ҳаёт Каримов, Сафар Жўраев, Ҳайбулла Йўлчиев 45-50 гектардан экин майдонига эга бўлишди, бу хайрли ишга бошқалар ҳам бош қўйишди. Фермерлик тўғриси одамларнинг ерга, сув, техника, уруғлик, ишчи кучи ва моддий-молиявий ресурсларга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирди. Аслида шунинг ўзи катта гап эди.

Бошланғич партия ташкилоти етакчилигида тарбиявий-сиёсий ишлар қучайтирилди, илғор ташаббуслар-

га кенг йўл очилди. Буларнинг барчасига ширкат бош ҳосилоти, O`zLiDeP худудий бошланғич ташкилоти раиси Нурхон Рашидов бош-қош бўлди.

Интилганга толе ёр, дейдилар. Мана, жонли мисол. "Бекбой" фермер хўжалиги раҳбари Ҳайбулла Йўлчиев 14 нафар ахил-иноқ кишига оқилона бошчилик қилиб, 34 гектар майдонда пахта ва 10 гектар ерда галла етиштирди. Давлат режаси ошиғи билан бажарилди. Эътиборга молик томони шундаки, етиштирилган доннинг қарийб ярми ишчиларга мўкофот сифатида тақсимлаб берилди. Жамила Йўлчиева, Ҳайит Асадов, Саъди Зебоев, Наби Тоҳиров каби пахтакор ва галлакорларнинг қозони ҳам, чўмичи ҳам мой бўлди. Фермер хўжалиги томонидан аъзолар учун ажратилган кунжара, шөлукча, сомонни айтмай қўя қолайлик.

Фидокорона меҳнат тўғрисида Кўчумор тарихида биринчи марта пахтадан

# Эгалик туйғуси

480 миллион 318 минг, галладан 89 миллион 500 минг, сут тайёрлашдан 498 минг сўм даромад қилинди. Соф фойда эса 67,4 миллион сўмга етди. Бу борада O`zLiDeP аъзолари — ширкат хўжалиги раиси Ёдгор Ражабов, молия маркази бошлиги Шухрат Хамроев, бош мироб Мурасар Қобилов, шунингдек, Анавар Гадов, Санкул Набиев, Ҳалим Ҳаётов, Эркин Насриддинов каби фермерлар, ўнлаб яқна тартибда тадбиркорларнинг алоҳида ҳиссаси бор, албатта.

Эркин иқтисодиёт фаровон турмуш қаролига айланганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Кўчуморлик мулкдорлар бу борада ҳам ибрат кўрсатишяпти. Масалан, "Хомийлар ва шифокорлар йили" муносабати билан "Бекбой", "Азим бобо", "Ойбек", "Ҳайит Ҳаёт", "Латиф Кенжа Туркони" каби фермер хўжалиқларининг молиявий ёрдами билан уч километр масофага қувур ётқизилди ва қишлоқда ичимли сув муаммоси ҳал этилди. Бу хайрли саъй-ҳаракат самарасидан ҳадемай худуддаги 5604 нафар аҳоли тўла баҳраманд бўлади.

Ҳақат шугина эмас, "Армон" фермер хўжалиги раҳбари Асрор Гадов ўз шахсий чорваси ҳисобидан қишлоқдаги "Пахтаой" боғчасига ҳар куни 15-20 литр сут бериб турибди. Яқинда, саховатли икки фермер томонидан 42-мактабга 200 минг, қишлоқ ҳақимлик масканига 500 минг сўм хомийлик ёрдами кўрсатилганлиги ҳам эътиборга моликдир. Президентимизнинг "Шах-

сий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжалиқларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори барча қатори кўчуморлик ишбилармонларни ҳам эзгу мақсадлар йўлида фаолроқ ҳаракат қилишга даъват этди. Қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, O`zLiDeP аъзоси Абдуҳаким Нуриддинов қуйидагиларни таъкидлади:

— Худудимизда 1090 та оила истиқомат қилади. Улар қаровида 4 минг бошдан кўпроқ қорамол ва 10 мингга яқин қўй-эчки мавжуд. Бироқ ҳаммада ҳам бундай имконият йўқ. Қолаверса, аёллар ва ёшларни доимий иш билан таъминлашда муайян қийинчиликларга дуч келаяпмиз. Юртбошимизнинг юқоридаги қарори бу борадаги кенг муаммоларни ҳал этиш имконини беради, албатта.

Бошланғич партия ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишида худудда шахсий қорамоллар бош сонини янада кўпайтириш, саховатпеша фермерлар ҳисобидан эҳтиёжманд оилаларга соғин сигир сотиб олишда ёрдамлашиш, уларнинг меҳнатда бандлик тоифасига киритиш масалалари муҳокама этилди ва шу хусусда тегишли қарор қабул қилинди.

Дарҳақиқат, Нурхон Рашидов бошчилик қилаётган партия ташкилоти эҳсон билан ҳамнафас бўлиб, ғоявий-сиёсий етуклик сари интилмоқда. Ҳозирги кунда қорқонда партия аъзолари сони 51 нафарни ташкил этди.

Улар сафини янада кенгайтириш, сиёсий мавқо ва

жанговарлигини ошириш учун барча имкониятлардан фойдаланилмоқда. Бу эса айтиш мумкин O`zLiDeP олдида турган муҳим масалалардан биридир.



**Нурхон РАШИДОВ,**  
1979 йилда туғилган.

**Бухоро Давлат университети қишлоқ хўжалик факультетини тамомлаган. Қишлоқ хўжалик магистри. Бухоро туман ҳокимлигида мاسалалар бўйича етакчи мутахассис бўлган. «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бош ҳосилоти. O`zLiDeP Кўчумор худудий бошланғич ташкилоти раиси.**

Бу инсонни нафақат туман, балки вилоятда ҳам кўпчилик яхши танийди. Илк меҳнат фаолиятини Мирзачўлда бошлаб, институт йўлланмаси билан чўлқуварлар сафига қўшилган ёш мутахассис ўша кезлари ўз тақдирдан нолигани ҳам рост. Дарҳақиқат, Тошкентдаги шахри азимдан тўсатдан бепоён чўл, нотаниш одамлар орасига тушиб қолган одамнинг ҳолини тасаввур қилинг. Аммо орадан бир-икки ой ўтгач, Э. Юсупов мавжуд шароитга ҳам, касб-корининг қийинчиликларига ҳам кўнака бошлади. Бора-бора чўлдан кетгиси келмай қолди. Туз-насибаси узилмаган экан. Мана, 38 йилдирки, турли вазифаларда ишлади, ёр-биродарлар орттирди. Энди эса ўзини том маънодаги сирдарёлик, деб ҳисоблайди.

# Обрў мисқоллаб йиғилади

Оқолтинлик фермер,  
O`zLiDeP фаоли Эргашбек  
Юсуповнинг фаолияти бунга  
жонли мисолдир

■ **Темур АБДУРАҲМОНОВ, «XXI asr» мухбири**

Юртимизда фермерлик ҳаракати бошланган кезлар. Эргашбек ўз ерига эга бўлиб, мустақил иш юритаётган деҳқонларнинг фаолиятини кузатди. Ўйлаб қараса — фермерликда гап кўп экан. Юқоридан топширик қутмай, эмин-эркин ишлаганга не етсин. Шу тариқа ўзи ҳам алоҳида ер олиб, деҳқончилик қила бошлади...

Мамлакат сиёсий саҳнасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси пайдо бўлгач, унинг низоми ва дастури билан танишди. Ўйлаб қараса, бу — моҳиятан тадбиркор ишбилармонлар ҳимоясига бел боғлаган партия экан. O`zLiDeP Оқолтин туман кенгашига ариза билан мурожаат этди. Орадан кўп ўтмай фермер хўжалигидаги 12 нафар ишчини ҳам ўз сафига қорлади. Шу тариқа "Юсуп" фермер хўжалигида бошланғич ташкилотга асос солинди. Партия аъзолари биринчи йиғилишдаёқ уни ўзларига етакчи этиб сайладилар.

Қай ишга қўл урмайсин, унга масъулият билан ёндашишга одатланган Эргашбек Юсупов ўз фаолиятини хўжалик идорасидаги катта бир хонани бошланғич ташкилот учун ажратишдан бошлади, уни сиёсий адабиётлар, O`zLiDeP фаолиятига оид қўлланмалар, йўриқномалар билан бойитди. Партия нашри — "XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетасига биринчилар қаторида обуна бўлди.

— Дастлабки партия йиғилишини яхши эслаймиз, — дейди ташкилот етакчиси. — Ўшанда "XXI asr" газетасининг янги сонидан чоп этилган сиёсий руҳдаги мақолаларни ўқиб, атрофлича муҳокама қилганмиз. Шу-шу ҳар бир йиғилишда юртимиз ва дунёда юз бераётган ижтимоий-сиёсий воқеаларга кенг ўрин ажратилди, тегишлича муносабат билдирилади. Жумладан, мамлакатимизда икки палатали парламент ва маҳаллий кенгашларга бўлган сайловлар даврида O`zLiDeP аъзолари алоҳида фаоллик кўрсатдилар. Партияимиздаги депутатликка номзоди қўйилган вакилларнинг кенг тарғиб этиш учун барча имкониятлар ишга солинди. Бу кампания биз учун катта синов даври бўлди, десам хато қилмайман.

Суҳбат давомида Эргашбек Юсупов ўзи ҳақида унча кўп тўхталиб ўтирмади. Суриштириб билсак, у ҳам туман, ҳам вилоят кенгаши депутати сифатида ўзига берилган ваколатлардан фойдаланиб, сайловчиларга яқиндан кўмак бериб келаётган экан.

"Юсуп" фермер хўжалиги туман маркази — Сардоба кўрғони атрофида жойлашган. Масофа узок эмас. Шу боис бошланғич партия ташкилоти фаоллари ўтказилган барча тадбирларда кенг иштирок этишади. Хўжалиқнинг ишлаб чиқариш борасидаги кўрсаткичлари ҳам чакки эмас. Йил бошида ўтказилган партия йиғилишида 1-умумтаълим мактабининг оталиқча олиш ва доимий хомийлик ёрдами кўрсатишга қарор қилинган эди. Худди шундай бўлаяпти. Партия фаоллари ташаббуси билан "Наврўз" байрами арафасида Самарқанддаги Имом ал-Бухорий зияратгоҳига саёҳат уюштирилди. Бошқача айтганда, 52 нафар фахрийларнинг иззати жойига қўйилди.

Томчида куёш акс этади, дейдилар. Дарҳақиқат, фермер хўжалиги бошланғич партия ташкилоти томонидан амалга оширилаётган ибратли ишлар талайгина. Биз юқорида уларнинг айрим қирралари ҳақида ҳикоя қилдик, холос.

Илова учун масъул:  
Дониёр КАМОЛ



**АГАР сиз ишни ўринли танлай билсангиз ва унга ўзингизни, бутун қалбингизни бахш этсангиз, бахтнинг ўзи сизни қидириб топади**

# ИСЛОҲОТ

## Миллиардлар чегара эмас

### ёки бугунги Чирчиқ шаҳри қиёфасига чизгилар

Кўхна ва мағрур тоғлар этагида жойлашган Чирчиқ шаҳри сўлим табиати, бетакрор таровати билан водийни эслатади. Суви билан ҳавоси мусаффо, кўчалари равон ва гавжум. Турли миллат вакилларидан иборат сал кам юз эллик минг аҳоли уддаборонлиги, тadbиркорлиги ва ишнинг кўзини билиши ила шаҳарни «қайнатади».

**Нормурод МУСОМОВ, «XXI asr» мухбири**



— Илгари ҳам бизнинг шаҳарни келиб кўрганми-сиз? — дея сўрайди шифокор Баҳодир Хожиев. — Истиқлол йилларининг бошида Чирчиқ деярли бўшаб, хувиллаб қолган эди. Имконини толганлар яшаш, ишлаш учун кулайроқ томонларга кўчиб кетишди. Заводлар, шифохонаю мактаблар, истироҳат боғлари, гавжум кўчаларда одамлар сийрак-лашди. Орадан кўп ўтмади. Атиги тўрт-беш йилдан сўнг, шаҳримиз қайтадан жонлана бошлади. Муқаддас мустақиллик янги Чирчиқни бунёд этди.

Дарҳақиқат, бугунги Чирчиқни кўрмаган одам шифокорнинг ушбу гапларини муболағадек деб билади. Бироқ ҳаммаси бор гап. Қимирлаган қир ошар, деганларидек, қийинчиликлар, тараққиётнинг йўлига гов бўлаётган майда-чўйда, икир-чикир муаммолар орта қолди. Мухими — қиёфа ҳам, мезон ҳам, кайфият ҳам яхши томонга ўзгарди. Аини паллада шаҳарда йигирма олтита мактаб, ўттиз етти та мактабгача тарбия муассасаси, саккизта коллеж, ўндан ортик кутубхона, тўрт-бешта маданият ўчоғи ишлаб турибди. 2002 йилдан сўнг шаҳар ҳаёти тубдан ўзгарди. Бутун диққат-эътибор тadbиркорлиқни ривожлантиришга, sanoatни кучайтиришга ва шу йўл билан аҳоли турмуш тарзини юксалтиришга қаратилди. Самара ҳамда меҳнатдан манфаатдорлик соғлом

фикрли, дунёқараши шаклланган замондошларнинг бош шioriга айланди. Ишлаб чиқаришнинг барча жабхаларида сезиларли ўсишга эришилди. Масалан, биргина 2005 йилдаги иқтисодий кўрсаткичларни кўздан кечирсак, самарандорлик кескин ошганлигининг гувоҳи бўламиз. Саноат соҳасидаги ўсиш 19 фоизни ташкил этди. Яъни 182 млрд. 500 миллион сўмлик иш бажарилди. Сал кам 25 млрд. сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарилди. Четга товар-маҳсулот экспорт қилиш режадагидан 2,3 баробар ортик бўлди. Бу борада ўсиш суръати 86 фоизни ташкил этди.

Таъбир жоизки, мустақилликнинг илк йиллари-даноқ, ҳукуматимиз томонидан турли корхона ва объектларни хусусийлаштиришга кенг йўл очиб берилди. Бу ўз ўрнида ижобий самараларга, ютуқларга бошлади. Шу нуқтаи назардан қаралганда, Чирчиқ шаҳрида ўтган йили 7 та корхона хусусийлаштирилди. 160 та тadbиркорлик субъекти ташкил этилди. Уларга 2 млрд. 175 млн. сўм миқдоридagi кредит

маблағлари ажратилди. 2003-2005 йилларда Чирчиқ шаҳрида пропилен қоплар, полиэтилен халтачалар, турли газламалар, гилам ва ширинликлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган ўн та кўшма корхона иш бошлади. «Бурсель-Тошкент-Текстиль» Ўзбекистон-Туркия кўшма корхонасида эса 214 иш ўрни бўлиб, унда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар харидорлиги билан ажралиб туради.

Кўшма корхоналарда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни экспорт қилиш кўрсаткичи 2005 йилда 2001 йилга нисбатан 178 баробар кўпайди. Сўнгги 3 йил ичида Чирчиқ шаҳрида 6295 та янги иш ўрни яратилди. 1991 йилга қадар қурилган 193 та кўп қаватли уй капитал таъмирдан чиқарилди. «Электроникмёсаноат» очик турдаги акциядорлик жамияти ҳомийлигида шаҳар кўрқига кўрк қўшилмоқда. Аини паллада ушбу жамият кўмаги билан шаҳарда иккита теннис корти, кўп



тармоқли «Болалар соғломлаштириш маркази» бунёд этилмоқда.

2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб аталганлиги чирчиқлик шифокорларни ҳар томонлама руҳлантирмоқда. Йил бошидан тиббиёт соҳасида улкан ишларга қўл урилди. Марказий шифохонанинг жонлантириш бўлими энг сўнгги русумдаги «Ремобиль» тиббий автомашинаси билан таъминланди. Жаррохлик, кўз касалликлари, травматология шифохоналари ҳам энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Шаҳарда аҳоли сони ўсиши баробарида тиббиётга бўлган талаб ҳам кучаймоқда. Мазкур талаб ва шароитдан келиб чиққан ҳолда шаҳар ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бўлими билан бирга хусусий клиникалар очишга ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Натижада қисқа фурсатда «Атлант», «Доктор Воҳид», «Дилчеҳра», «Саломатлик» хусусий клиникалари иш бошлади.

Шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан 2005 йилнинг ёзида сал кам 150 минг аҳолига хизмат кўрсатадиган фуқаролик ҳолатлари далолатнома ёзувлари (ФХД) идораси 27 иш кунинда янгидан қуриб битказилди. Келин-куёвларни рўйхатдан ўтказиш ҳамда тантаналар учун мўлжалланган хоналар қисқа фурсатда миллий услубда жиҳозланди.

2005 йили республика «Баркамол авлод» болалар ва ўсмирлар спорт мусо-

бақаларининг айнан Чирчиқ шаҳрида ўтказилганлиги ҳам бежиз эмас. Негаки, шаҳар ҳар қандай йирик мусобақаларни бемалол ўткази оладиган спорт майдонларига, сузиш ҳавзаларига эга. Бу мусобақада Анджион вилояти ва Тошкент шаҳри жамоалари юқори ўринларни эгаллаган бўлсалар-да, чирчиқликлар ҳам бўш келмадилар. Қўлга киритилган юксак натижалар барча ўсмир-ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан жиҳидий шугулланишга ундади.

2006 йилнинг дастлабки 3 ойида Чирчиқ шаҳридаги мавжуд барча ташиқлотларда, кўшма корхоналарда, хусусий секторда катта иқтисодий ўсишга эришилди. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 9 фоизга ўсди. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш 45,5 фоиз кўп бўлди.

Бундай кўрсаткичларга осонликча эришилгани йўқ албатта. Тинимсиз изланишлари, чуқур ислохотлар самараси ўларок, бугун қўлга киритилаётган муваффақиятлар барча чирчиқликларнинг юзини ёруғ қилди. Шаҳарга борган кишининг баҳри — дили очилади. Ҳавас қилса арзийдиган бунёдкорлик ишларидан ҳайратланади. Орадан йиллар, асрлар ўтади, авлодлар кетидан авлодлар келади. Аммо Чирчиқ шаҳри гўзаллик ва тараққиётнинг, самара ва барақанинг тимсоли бўлиб қолиши аниқ.

#### САВОЛ-ЖАВОБ



**Сўранг, жавоб берамиз**

Чет элдан Ўзбекистонга келтирилаётган синтетик иплар, сунъий туқли мато ва чарм каби хом ашё турларига жисмоний ва юридик шахслар учун қанча миқдорда божхона тўловлари белгиланган?

**Т.Солиев, тadbиркор.**

**Ушбу саволга Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси Раисининг ўринбосари Ш.ХАЙРУЛЛАЕВ жавоб берди:**

— Республикаимизга келтирилаётган ушбу товарларга амалдаги божхона тўловлари миқдори қуйидагича белгиланган.

**Юридик шахсларга:**

синтетик иплар учун (ТИФ ТН бўйича коди 5401 10 190) - импорт божи 10 фоиз, акциз солиғи 0 фоиз, қўшимча қиймат солиғи 20 фоиз;

сунъий туқли мато учун (ТИФ ТН бўйича коди 6001 10 000) - импорт божи 30 фоиз, аммо 1.0\$/кг дан кам бўлмаган, акциз солиғи 20 фоиз, қўшимча қиймат солиғи 20 фоиз;

чарм учун (ТИФ ТН бўйича коди 4112 00 000) - импорт божи 5 фоиз, акциз солиғи 0 фоиз, қўшимча қиймат солиғи 20 фоиз миқдорларида белгиланган.

Ушбу товарлар жисмоний шахслар томонидан тижорат мақсадлари учун олиб кирилганда:

синтетик иплар учун — ягона божхона тўлови 40 фоиз, акциз солиғи 0 фоиз;

сунъий туқли мато учун - ягона божхона тўлови 40 фоиз, акциз солиғи 20 фоиз;

чарм учун - ягона божхона тўлови 40 фоиз, акциз солиғи 0 фоиз миқдорларида белгиланган.

Кўрсатиб ўтилган божхона тўловлари миқдори қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда аниқланган товарнинг божхона қийматидан ундирилади.

Тошкент шаҳар Оила маросимлари марказида навбатдаги машғулот бўлиб ўтди. 2001 йилдан буён фаолият юритаётган ушбу даргоҳнинг вазифаси оила қурувчи ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва тиббий саводхонлигини оширишдан иборатдир.

## Оила қурувчилар ўқуви

**Сайёра ТУРҒУНБОЕВА**

Машғулотларда ёшларга оила муқаддаслиги, миллий урф-одат ва анъаналаримиз кенг тарғиб қилиниб, амалдаги қонунлар, Фуқаролик ва Оила кодекслари, ҳукумат қарорлари, дастурлар, бўлажак келин-куёвларни турмуш қуришга тайёрлаш, никоҳга киришдан аввал тиббий кўриқдан ўтишининг аҳамияти, соғлом фарзандларни дунёга келтириш, уларни ҳар томонлама етуқ ҳамда баркамол қилиб тарбиялаш асослари ҳақида батафсил тушуналар берилмоқда. Тингловчилар, жумладан, «Оила қасрини мустаҳкамлаш омиллари», «Еш оилада келиб чиқадиган муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари», «Гиёҳвандлик ва ичкиликбозлик — оила заволи» каби мавзуларда маърузалар тинглаб, ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олдилар.

— Ўқув машғулотлари давомида малакали мутахассислар, хусусан, Хотин-қизлар кўмитаси оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Наима Холмухаммедова, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани «Оила» маркази раҳбари Адиба Камолова ва руҳшунос Шаҳноза Аҳмадиева қизиқарли маърузалар қилдилар, — дейди Оила маросимлари маркази назоратчиси Мавжуда Мақсудова. — Яна шуни таъкидламоқчиманки, ўқув йили тугаллангач, барча тингловчилар Адлия бошқармаси ва «Камолот» ЕИҲ шаҳар бўлими томонидан таъсис этилган сертификатлар, фаол ташкилотчи ва маърузачилар фахрий ёрлик ва эсдалик совғалари билан тақдирланадилар.

Машғулот давомида иштирокчилар маърузалар тинглаш баробарида ибратли оила бошлиқлари, ёзувчи ва шоирлар, санъат, маданият арбоблари билан учрашдилар.

Вилоят марказидаги Кўксарой боғида «Ўзбек миллий таомлари ва Шарқ ширинликлари» анъанавий фестивали бўлиб ўтди. Унда юздан зиёд миллий таом ва қандолатчилик маҳсулотлари намойиш этилди. Бу галги фестивалда Австрия, Франция, Германия каби давлатлардан келган сайёҳлар ҳам иштирок этиб, миллий ноз-неъматларимизни татиб кўришди.

## Ўзбек таомлари кўриги

**САМАРҚАНД /ЎЗА мухбири Акбар Қаршиев/.**

— Самарқанд ўзининг бетакрор обидалари билан дунёга машҳур, — дейди кўргазмада иштирок этган австриялик сайёҳ Р.Штумфолл. — Мен неча йиллардан буён бу афсонавий шаҳарни томоша қилиш орузида эдим. Шукрки, орузим ушалди. Уни ўз кўзим билан кўргач, бир гайратимга минг гайрат қўшилди. Ўзбекларнинг ўзига хос таомлари, уларнинг тайёрланиш жараёни мени янада ҳайратга солди. Айниқса, Самарқанд нонининг, Каттакўрган ҳовларининг таъминоти анчагача унутолмас керак.

Фестиваль якунида ҳакамлар хайбати томонидан «Афросиёб-палас» меҳмонхонаси, «Коинот» ресторани ва «Зафар» чойхонаси пазандалари тайёрлаган таомлар ва ширинликлар юқори баҳоланди.

#### ИСТИҚЛОЛДАН — ИСТИҚБОЛГА

## КИМОШДИ САВДОСИГА МАРҲАМАТ!

**Ўзбекистон Банклар ассоциацияси Аукцион савдоларини ташкил этиш агентлигининг Сурхондарё филиали 2006 йил 19-20-26-27 май кунлари ўтказиладиган навбатдаги кимошди савдосига Сурхондарё вилоят суд бошқарувчилари тақдим этган қуйидаги мулкларни савдога қўяди:**

Термиз шаҳри, У. Носир кўчаси, 13-уйда жойлашган «13-ХАТП» МЧЖнинг қуйидаги автотранспорт воситалари:

- 1988 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз, 19 АГ 389 давлат рақамли «ЗИЛ ММЗ 45021» автомашинаси. **Бошланғич баҳоси - 282 420 сўм.**
- 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз, 19 АГ 378 давлат рақамли «ЗИЛ ММЗ 45021» автомашинаси. **Бошланғич баҳоси - 282 420 сўм.**
- 1981 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз, 91 04 СДЛ давлат рақамли «ЗИЛ ММЗ 45021» автомашинаси. **Бошланғич баҳоси - 191 622 сўм.**
- 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз, 00-98 СДЛ давлат рақамли «Газ 53 а» автомашинаси.

«КамАЗ 5320» автомашинаси. **Бошланғич баҳоси - 1 124 195 сўм.**

- 1985 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз, 11-47 СДЛ давлат рақамли «Газ-52 04» автомашинаси.
- 1986 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз, 76-58 СДЛ давлат рақамли «Газ-52 07» автомашинаси.
- 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз, 19 АН 451 давлат рақамли «Газ 53 а» автомашинаси.
- 1984 йилда ишлаб чиқарилган, техник ҳолати носоз, 00-98 СДЛ давлат рақамли «Газ 53 а» автомашинаси.

**Мурожаат учун манзил: Термиз шаҳри, «Тadbиркорлар маркази» биноси. 2-қават. 10-хона. Телефон: 222-81-09, 22-68-321. Харидорлар савдо бошланишидан уч кун олдин УБМ Сурхондарё филиали Аукцион савдоларини ташкил этиш агентлиги ҳисоб рақамига мулк бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Ҳисоб рақами: 20208000404277899010. «Ипотекабанк»нинг Термиз шаҳар бўлими. МФО: 00356.**

автомашинаси. **Бошланғич баҳоси - 191 622 сўм.**

- «13-ХАТП» ОАЖнинг бино ва иншоотлари мажмуа ҳолатида.
- Термиз тумани «Тараққиёт» масъулияти чекланган жамияти тасарруфида бўлган бино ва иншоотлар (мулкый мажмуа).
- «Исмоилтепа» савдо мажмуаси, 3 хонали савдо дўкони омборхонаси билан бирга, бетон тўшамга, айланма деворлари бор. Жарқўрган туманидаги «Исмоилтепа» маҳалласида жойлашган.

#### ЭЪЛОН

#### ФЕСТИВАЛЬ



# ИНСОН ВА ҚОНУН

АДОЛАТсизликни бир киши  
қиладимми ёки кўпчиликми,  
барибир у мунофиқликдир

## Ўн йиллик можаро

Фараз қилинг: сиз каттагина уйингизнинг бир қисмини кимгадир ўзаро оғзаки келишиб сотдингиз. У келишган пулни вақтида берди. Лекин турли сабаблар туфайли олди-сотди муносабатлари орадан 4 йил ўтиб ҳам қонуний ҳужжатлаштирилмади. Бир кун келиб қарасангиз, Алига сотган уйингизга Вали эгалик қилиб турибди. Боз устига ўзбошимчилик билан яна анча ерни қўшиб олиб, чегара симларини тортмоқчи. Шунда адолат истаб, судга мурожаат қиласиз.

### ■ Ақром ҲИНОБОВ

Суд сизнинг ва эндиликда рақибингизга айланган шахснинг қарши даъво аризасини қўриб чиқиб, ишни Али билан Валининг фойдасига ҳал қилиб беради. Қарангки, суднинг ҳал қилув қарори билан сиз 4 йил олдин сотган 400 кв.м. ер 780 кв.метрга айланиб турибди...

Олди-сотди шартномаси фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан бири ҳисобланади. Ўз вақтида жамият ривожининг у ёки бу босқичида шаклланган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар олди-сотди шартномасига тааллуқли қонунларнинг мазмун-моҳиятига ҳозир ҳам таъсир этади. Масалан, 1963 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Гражданлик кодексига олди-сотди шартномасига 15 та модда бағишланган бўлиб, уларда ўша даврдаги маъмурий-бўйруқбозлик методига ҳос қондалар ўз аксини топган эди. Кўп қисми императив (қатъий буйруқ) хусусиятга эга бўлиб, улар воситасида тартибга солинадиган муносабатлар доираси аниқ белгиланган ва четга чиқиб кетиш мумкин эмасди. Дейлик: жисмоний шахслар трактор ёки юк автомашинаси сотиб олишига йўл қўйилмасди. Агар фуқаро оиласи билан битта турар-жойга эга бўлса, яна бошқа уйни сотиб ололмади. Нақд пул эвазига бўлган олди-сотди шартномаси оғзаки шаклда ҳам тузилар ва у ҳақиқий ҳисобланарди.

**Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 1 март куни қўриб чиқилган Фуқаролик кодексига қўриб чиқилган олди-сотди шартномаси 50 та моддада белгилаб қўйилган қондаларга асосан**

амалга оширилади. Яъни сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни ўз зиммасига олади.

Ўтмишда ва ҳозир амалда бўлган ушбу кодексларда келтирилган қондаларни баён этишимиздан мақсад, тахрир янги қўрилган бир шикоят хатига оидлик киритишдир.

Тўртқўллик Искандар Абдуллаевнинг ёзишича, 1991 йилнинг ёз ойида у ўзига тегишли «Юбилейная» кўчасидаги 1560 кв.м. бўлган 82-уйнинг бир қис-

## Фуқаролик кодексининг 163-моддасида даъво муддати жорий қилинмайдиган бандлар ҳам бор

кутилмаганда яна 200 кв.м. ерни ўзига қўшиб олиб, чегара симларини торта бошлаган. Бу хатти-ҳаракатдан норози бўлган уй эгасига шаҳар ҳокимининг тегишли қарори борлигини айтган. Искандар ака эса дарҳол БТИга борган. У ерда ҳақиқатан ҳам халқ депутатлари Тўртқўл шаҳар кенгаши ижроия қўмитасининг 1992 йил 10 июнда чиқарган «Юбилейная» кўчасидаги умумий майдони 600 кв.м. бўлган 82-уйни Рафазль Утемуратовнинг шахсий мулки деб ҳисобга олиш ҳақидаги 125-1/6 сонли қарори мавжудлигини маълум қилишган.

Искандар аканинг тинчи бузилиб, Тўртқўл туман судига даъво аризаси билан мурожаат қилган. 1996 йил

ойида Қорақалпоғистон Республикаси Олий судининг раёсатида назорат тартибда қўрилиб, Тўртқўл туман судининг ҳал қилув қарори ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг ажрими ўзгаришсиз қолдирилди.

Табиийки, Искандар ака бундан норози бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий судига мурожаат этади ва 2005 йилнинг ноябрь ойида қўйидаги мазмундаги жавоб хатини олди: «Ўзбекистон Республикаси ФПК 350-моддасининг 4-бандига кўра, суднинг ҳал қилув қарори қонуний қучга кирган кундан эътиборан уч йил ўтгандан кейин берилган аризалар қўрилмайди. Юқоридagi қонун талабидан келиб чиқиб, Сизнинг шикоятингиз қўрилмасдан қолдирилганлиги маълум қилинади».

Хуллас, шу тариқа аслида оддий бир масала эътиборсизлик туфайли моҳиятан ва мантиқан ўз ечимини топмади. Шулардан бири «Муқдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқининг ҳар қандай бузилишларини, шу жумладан, эгалик қилишнинг маъмурий шикоят билан бартараф этиш ҳақидаги талаблари» дир.

Ваҳоланки, И. Абдуллаев ҳам кўчмас мулк эгаси. У юқорида таъкидланганидек, 1997 йилнинг 1 март кунидан қучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига белгилаб қўйилганидек, «сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни ўз зиммасига олади». Мавжуд ҳолатда эса Искандар ака бундай қилмаган. Ижроқўм қарори эса унинг иштироки ва розилигисиз чиқарилган. Қўриб чиқилган, ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонуний ҳимоя қилиниши зарур.

Умид қиламизки, суд ва бошқа қонунчилик идоралари бу фуқаролик ишнинг яна бир бор қучур ва атрофлича ўрганиб чиқадилар.

### Йиллаб қорасини кўрсатмаган Э. Шинтековнинг қарши даъво аризасини қўриб чиқиб, унинг Искандар Абдуллаев билан бўлган ўзаро оғзаки олди-сотди шартномаси ҳақиқий деб топилган. Шундан сўнг юқори суд инстанцияларига ёзишмалар бошланди.

мини Эртой Шинтековга сотган. 400 кв.м.дан иборат 4 хонали уй 23 минг сўмга баҳоланган. Э. Шинтеков уй ҳужжатларини расмийлаштириш чоғида яна 2 минг сўм беришни ўз зиммасига олган. Савдо оғзаки келишув асосида амалга оширилиб, И. Абдуллаев тегишли пулни олган.

Куз ойида ушбу уйга Рафазль Утемуратовнинг шахс оиласи билан кўчиб келган ва ўзини «Шинтековнинг қўевиман, вақтинчалик шу ерда яшай тураман», деб таништирган. Лекин тез орада уйни яхшилаб таъмирлаб, доимий яшай бошлаган. Ҳеч нарсадан шубҳаланмаган Искандар ака эса Шинтековни кутиб юраверган.

Хуллас, «вақтинчалик яшаш учун» келган Утемуратов 1995 йилнинг баҳорида

21 декабрь куни суд ушбу ишни қўриб чиқиб, даъвогар Искандар Абдуллаевнинг жавобгарлар — Тўртқўл шаҳар ижроқўмининг қарорини бекор қилиш ва уйни ноқонуний эгаллаб олган Эртой Шинтековдан жойни қайтариб олиш ҳақидаги даъво аризасини қисман қаноатландирган. Яъни ижроқўм қарори бекор қилинган. Йиллаб қорасини кўрсатмаган Э. Шинтековнинг қарши даъво аризасини қўриб чиқиб, унинг Искандар Абдуллаев билан бўлган ўзаро оғзаки олди-сотди шартномаси ҳақиқий деб топилган.

Шундан сўнг юқори суд инстанцияларига ёзишмалар бошланди.

...Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг протестига асосан ушбу фуқаролик иши 1997 йил июнь

## Ишлаганга — майдон кенг

2002 йилнинг охирида эди. Ака-ука Олим ва Комил Фозиловлар «OFS» хусусий фирмасини ташкил этишди. Фирма асосан эркаклар ва ўғил болаларнинг устки кийимлари, костюмлар тикишга ихтисослашган бўлиб, унинг маҳсулотлари, мана бир неча йилдирки, харидорлиги ва сифати билан ажралиб турибди. Олим Фозилон Туркия давлатига бориб, ўзи танлаган соҳа бўйича янги технологияни ўрганиб қайтгани нур устига аъло нур бўлди.

### ■ Асхор ИСТАМОВ, «XXI asr» мухбири

Асосий хом ашё - костюмбоп материалларни Олим ака Хитой, Туркия, БАА сингари хорижий давлатлардан олиб келади. Умр йўлдоши Назоқат Нейматов атакчилик қилаётган тикув цехида ҳар доим иш қизини. 72 та тикув машинкаси тиним билмайди. Германиянинг «Бразерс», Япониянинг «Ямата» фирмаларида ишлаб чиқарилган машиналар жуда кўл келмоқда.

Фирмада ҳозирги пайтда жами 30 киши иш билан таъминланган. Бичувчи устлардан Мавлон Шарипов, Раҳим Шарипов, тикувчилар

Севара Йўлдошева, Дилдора Сафарова, моторчи Шавкат Асадов, дазмолловчилардан Дилмурод Шеров, Носир Асадов, Мунаввар Қулиева ва Малика Нўмонованинг куч-гайрати билан 2005 йилда умумий микдорда 10 млн. сўмлик маҳсулот сотилди.

«OFS» фирмаси шаҳар, вилоят ва республика «Ташаббус» кўриқ-танловларида қатнашди. 2004 йилда республика босқичида «Энг яхши тадбиркор» йўналиши бўйича фахрли иккинчи ўринни олди. Фирма раҳбари Олим Фозилоннинг ҳам,



тикув цехи бошлиғи Назоқат Нейматовнинг ҳам, жонқуяр ишбосхи Комил Фозилоннинг ҳам бугунги кундаги ўй-фикрлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган. Ана шундай саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ, 2005 йилда Бухоро шаҳрининг энг кўркам ва баҳаво жойларидан бирида фирманинг янги савдо дўкони қад ростлади. Шу кунларда у харидорларга намунали савдо хизмати

кўрсатмоқда. Бу ерда дид билан тикилган энг сара кийим-кечаклардан тортиб сифатли озиқ-овқат маҳсулотларигача сотилмоқда. «Карвон бозори» ҳудудида очилган ва «OFS» маҳсулотлари билан савдо қилинаётган шохобчалар ҳам харидорлар билан гавжум. Республика-миз пойтахти - Тошкентда шунингдек, Зарафшон, Қарши, Денов шаҳарларида ҳам фирманинг савдо дўконлари бор.

Маълумки, республика-

масининг ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Низо келиб чиққан 1995 йилгача Шинтеков номаълум сабабларга кўра сотиб олган уйини нотариал расмийлаштиришдан қочиб юрган. Боз устига 1992 йилда ҳали ўз номига қонуний ўтмаган уйга ўзбошимчилик билан яна 200 кв.м. қўштириб, жами 600 кв.м. ерни қалбаки ҳужжатлар билан қўеви Утемуратов номига хатлашиб берган. Тўртқўл туман суди дастлаб шаҳар ижроқўмининг бу қарорини бекор қилиб, кейин иккинчи томон аризасига кўра, масалани унинг фойдасига ҳал қилиб берган. Нега?

Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг И. Абдуллаев мурожаатига жавобан йўллаган хатни ҳам кишини ўйлантиради. Амалдаги Фуқаролик кодексининг 163-моддасида даъво муддати жорий қилинмайдиган талаблар ҳам баён этилган. Шулардан бири «Муқдорнинг ёки бошқа эгалик қилувчининг ўз ҳуқуқининг ҳар қандай бузилишларини, шу жумладан, эгалик қилишнинг маъмурий шикоят билан бартараф этиш ҳақидаги талаблари» дир.

Ваҳоланки, И. Абдуллаев ҳам кўчмас мулк эгаси. У юқорида таъкидланганидек, 1997 йилнинг 1 март кунидан қучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига белгилаб қўйилганидек, «сотувчи ер участкаси, бино, иншоот, квартира ёки бошқа кўчмас мулкни сотиб олувчига мулк қилиб топширишни ўз зиммасига олади». Мавжуд ҳолатда эса Искандар ака бундай қилмаган. Ижроқўм қарори эса унинг иштироки ва розилигисиз чиқарилган. Қўриб чиқилган, ҳар қандай ҳолатда ҳам унинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонуний ҳимоя қилиниши зарур.

Умид қиламизки, суд ва бошқа қонунчилик идоралари бу фуқаролик ишнинг яна бир бор қучур ва атрофлича ўрганиб чиқадилар.

Бугунги кунда барча соҳалар қатори прокуратура тизимида ҳам фуқаролар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишга бирламчи эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Паркент туман прокуратураси ходимлари томонидан олиб борилаётган ишларга тўхталиб ўтиш мумкин. Хўш, 2004-2005 йиллар мобайнида фуқаролардан келиб тушган ариза ва шикоятлар бўйича қандай ишлар амалга оширилди? Бу ҳақда туман прокурори Нуриддин АГИМОВ қуйидагиларни сўзлаб берди:

## Фуқаролар ҳуқуқи ҳимояда

### ■ Шуқурилло ПАРПИЕВ

— Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиймати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият, прокуратура фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи орган эканлигини англаган ҳолда бизга келиб тушган ариза ва шикоятларни ўз вақтида рўйхатга олиш, қўриб чиқиш, қонунда белгиланган муддатларда ҳал этиш, қонунбузарлик ҳолатларининг олдини олишга ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди Н. Агимов. — Ўтган йил мобайнида фуқаролардан 124 та ёзма ариза келиб тушди. 2004 йилда эса бу кўрсаткич 88 тани ташкил этган эди. Туман прокуратурасида фуқароларнинг мурожаатларига бўлган эътибор кучайтирилганлиги сабабли умумий назорат йўналиши бўйича Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунининг ижросини текшириш сони 14 та ортик бўлди.

Паркент шаҳри, О. Юнусов кўчаси, 7-уйда яшовчи Н. Мирёқубованинг ўтган йили «Алоқа бўлими» корхонасидан қонунга зид равишда бўшатилгани тўғрисидаги аризаси юзасидан текширув ўтказилганда, туман почта алоқаси тармоғи бошлиғи Г. Ҳасанов ва Н. Мирёқубова ўртасида тузилган меҳнат шартномаси ноқонуний тарзда бекор қилинганлиги аниқланди. Сўнгра туман прокурорининг 2005 йил 18 февралдаги протести билан Паркент почта алоқаси тармоғи бошлиғининг 2004 йил 31 декабрдаги 100х сонли буйруғи бекор қилинди. Почта алоқаси тармоғи бошлиғи Г. Ҳасановга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Мажлиснинг 49-моддасига биноан маъмурий жавобгарлик, қадрлар бўлими мутахассиси Н. Фаниева эса интизомий жавобгарлик ҳақида чораси қўлланилди. Н. Мирёқубовага корхонанинг 2005 йил 8 февралдаги 58-сонли чиким ордерига асосан 13060 сўм суюнчи ва 59-сонли чиким ордерига асосан 24938 сўм декрет пули тўланди.

Бундай ҳолатлар кўп, албатта Мана, масалан, ўтган йил мобайнида туман прокуратурасига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг гафийроний хатти-ҳаракатлари юзасидан 14 та ариза келиб тушди. Ўтказилган терговолди текширув натижасига кўра жиноят иш қўзғатишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари оқибатсиз ёки қаноатлангирлимай қолдирилган ҳолатларда текшириш натижалари ҳақида уларга хабар берилиб, юқори турувчи идораларга шикоят қилиш тартиби тушунтирилди...

Паркент шаҳри, С. Акбаров кўчаси, 24-уйда яшовчи М. Мирзаева ва Навоий кўчаси, 228-уйда яшовчи Ш. Умаров ариза билан туман прокуратурасига мурожаат этган эдилар. Улар фарзандлари Г. Мирзаева ва С. Умарова 5-сонли ихтисослаштирилган мактабнинг 9 ва 11-синфларида таълим олаётганликлари, 2005 йил 20 октябрда ҳар иккаласи пахта йиғим-теримига сафарбар этилганлиги, 2 ноябрь куни фарзандларини қуришга борганлари, уйларида йиғин борлиги сабабли ҳар иккаласини директор М. Акрамовнинг руҳсати билан олиб келганликлари, қизлари касал бўлиб туман марказий касалхонасида даво-ланиб чиққанларидан сўнг ўқишни давом эттириш учун мактабга борганларида мактаб директори уларни ўқишга қўймай ҳайдаб чиқарганлигини баён этиб, ўқувчиларни ўқишга қайтаришда ёрдам беришни сўраган эдилар. Аризада келтирилган вахлар бўйича туман халқ таълими бўлимида хизмат текшируви ўтказилиб, Г. Мирзаева ва С. Умарова ўқишга қайтарилди.

Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Хулоса ўрнида шунга айтишим мумкинки, Паркент туман прокуратураси фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари қонунга зид равишда топталишига йўл қўймайлик учун барча чораларни кўрмоқда. Бунда бизга «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун талаблари дастуриламал бўлапти.

### КИТОБХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!



Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир МАЛИКнинг янги асари — «ҚОРА ФАРИШТА» босмадан чиқди. Китоб савдоси билан

шуғулланувчилар учун телефонлар: 107-74-89, 130-82-72, 330-31-81



ФАҚАТ бир томон айбдор бўлганда эди, жанжал бунчалик узок чўзилмасди

ХАЛҚАРО ҲАЁТ

ЯКИН ШАРҚ

Боши берк кўча

Исроил ва Фаластинда бўлиб ўтган сайловлардан кейин Яқин Шарқда тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш яна долзарб муаммога айланди. Фаластинда ХАМАС ҳаракатининг ҳокимият тепасига келиши АҚШ, Европа ва Исроилни қаттиқ ташвишга солиб қўйди. Улар Исроил давлатини мутлақо тан олмайдиган янги ҳукуматга нисбатан молиявий бойкот эълон қилдилар. Бу эса вазиятни янада кескинлаштирмоқда. Ана шундай бир пайтда эса Россия ва Эрон Фаластинга молиявий ёрдам кўрсатишларини эълон қилдилар.

Шерзод ЭРАЛИЕВ

Хорижлик мутахассисларнинг ҳисоблашларича, мухторият бюджетга келиб тушувчи деярли барча даромад манбаларидан маҳрум бўлган. Масалан, Исроил Фаластин миллий мухторияти номидан йиғадиган солиқларни — ойига 70-80 млн. АҚШ долларини беришдан бош тортди. АҚШ ва Европа Иттифоқи ҳам Фаластинга йилга 500-600 млн. доллар атрофида маблағ ажратишни тўхтади. Шу ўринда бир масалага аниқлик киритиш лозим. Гарчи мухториятга ажратилган маблағлар тўхталган бўлса-да, инсонпарварлик мақсадлари ва "демократия қуриш" учун ҳозир ҳам 105 млн. доллар миқдориди ажратилиб турибди.

Умуман олганда, Фаластин мухториятига йилга 1,5 млрд. долларгача пул етишмайди. Шу билан бирга араб давлатлари ваъда қилган ёрдам маблағлари ҳам тўхтаб қолди. Фарб давлатларининг террорчи ташкилотларни молиялаш йўлларини тўсиш чоралари араб ҳомийлари ва банкларига пул ажратиш имкониятини бермапти.

Бу ҳам етмагандек, Фаластиндаги молиявий инқирозга икки омиллар ҳам сабаб бўлапти. Аниқланишича, мухторият президенти Махмуд Аббос бир пайтлар Ёсир Арофат ташкил этган жамағатлардан келатган фоиз тушумларини назорат қилар экан. Бу эса ойига бир неча ўн миллион доллар дегани. Аббос ушбу маблағни ХАМАСга беришдан бош тортаяпти, чунки ХАМАС ФАТХ партиясига қарши бориб, уни тан олмаяпти. Бундан келиб чиқадиган ҳулоса шунки, ХАМАСнинг мурасис позицияси унга "хаво"ни — молиявий тушумларнинг асосий манбаларини беритиб қўяпти.

Экспертларнинг ҳулосасига кўра, ушбу ҳолат бир неча ҳафта давом этадиган бўлса, мухториятда кескин вазият юзга келиши мумкин. Полиция ходимларининг маш тўлашларини талаб қилиб, намойишлар ўтказишлари қутилмаган беқарорлик ва тартибсизликларнинг дебочаси бўлиши мумкин. Аммо ХАМАС ҳаракати сиёсий бюроси раиси Халид Машъал фаластинликларга нисбатан "ахлоқсиз" босимга қаршилиқ кўрсатишда давом этишини билдирди. Янги бош вазир Исмоил Хония ҳам Фарбга қарши кескин баёнотлар билан чиқмоқда. ХАМАСнинг яна бир юқори лавозимли вакили Юнус Афта, агар амалдаги ҳукумат унинг душманлари томонидан тарқатиб


юбориладиган бўлса, ХАМАС яна қуролли ҳаракатларга ўтиши мумкинлигини маълум қилди.

Ўтган ҳафтада Техронда Фаластин масалаларига бағишланган конференцияда Эрон расмийлари Фарб босимига қаршилиқ кўрсатишда далда бўлишларини ва ҳатто молиявий ёрдам ажратишларини айтишди. Баъзи маълумотларга кўра, ушбу маблағ миқдори 50 млн. долларга етади. Бундан ташқари, Россия ташқи ишлар вазири Сергей Лавров ҳам мухторият президенти билан телефон орқали мулоқот чоғида Москванинг Фаластинга тез кунларда молиявий ёрдам кўрсатишига ваъда берган.

Эроннинг мусулмон, айна пайтда Исроил душмани бўлган фаластинликларни қўллаб-қувватлаши бежиз эмас, албатта. ХАМАСнинг Исроилни тан олмаслик сиёсати Техронга жуда маъқул келмоқда. Бунинг устига Эрон ва АҚШ ўртасида ҳарбий тўқнашувлар рўй бергудек бўлса, Фаластиннинг ҳозирги раҳбарияти қўллаб-қувватлашига умид қилиш мумкин. Россия эса нафақат араб дунёсидаги таъсирини оширишга, балки ушбу масала бўйича ўз позицияси орқали Шимолий Кавказдаги экстремистларни гоёвий жихатдан заифлаштиришга уринаяпти. Маълумки, Чеченистондаги айирмачилик ҳаракатлари айнан ислом гоёялари ниқоби остида олиб борилмоқда. Бундан ташқари, Яқин Шарқ масаласида мустақил сиёсат юритиш Фарб давлатларини Москва фикри билан ҳисоблашига мажбур этади. Шу билан бирга Фаластин масаласи Россия-АҚШ муносабатларига салбий таъсир кўрсатиши ҳам мумкин.

Фарб давлатлари ва Исроилнинг ХАМАСни сиёсий куч сифатида тан олмасликларига сабаб, бу ҳаракатнинг Исроил ҳудудида террорчилик фаолиятини олиб боришидир. Айна пайтда у моддий қийнаётган фаластинликларга ёрдам бериш мақсадида ижтимоий дастурларни амалга оширади. Ҳаракатнинг сайловларда голиб чиқишига бу омил ҳам таъсир қилди. ХАМАСнинг ўтган асрнинг 80-йилларида қабул қилинган хартияси тарихий Фаластиннинг бутун ҳудуди шарият қоидалари бўйича "барча мусулмон авлодларга тегишли" вақф ерлари, деб ёзиб қўйилган. Шу маънода Исроил давлатини тан олиш нафақат катта сиёсий ён босиш, балки ақидадан воз кечиш деб баҳоланади. Фарб давлатлари эса ХАМАСдан ўз мафқуравий по-

ФАЛАСТИН МУХТОРИЯТИНИ МОЛИЯВИЙ ҚАМАЛ ҚИЛИШ ХУНУК ОҚИБАТЛАРГА ОЛИБ КЕЛИШИ МУМКИН. КУЗАТУВЧИЛАРНИНГ ФИКРИЧА, БУНДАЙ ҲОЛАТДА, АВВАЛО, АҚШ ВА ФАРБ ДАВЛАТЛАРИНИНГ ЎЗЛАРИГА ҚИЙИН БЎЛАДИ.



зицияларидан воз кечишни талаб қилаяпти.

Шу билан бирга Исроилнинг ўзидаги вазиятни ҳам ижобий баҳолаб бўлмайдми. Яқинда ўтказилган парламент сайловларида Ариэль Шарон асос солган "Кадима" партияси голиб чиқди. Бу сайловни кўпроқ Шарон тақлиф этган йўлга нисбатан референдум бўлди, дейиш мумкин. Шарон, айна пайтда унинг вазифасини бажараётган Эхуд Ольмерт ва ушбу партияга аъзо бўлган йирик сиёсатчилар Исроилнинг фаластинликлар билан "ажралиш" йўлини танлаганлар. Бу йўлнинг моҳияти исроилликларнинг Иордан дарёси Фарбий қирғоғининг катта қисмидан кетиши ва яхудий давлати доимий чегараларининг биртомонлама ўрнатилишидан иборат. Исроилнинг Фарбий қирғоғи тарқ этишига нафақат Тель-Авивдаги кўпчилик сиёсатчилар, балки оддий фуқаролар ҳам қарши чиқишлари табиий.

Фаластинликлар бу тақлифга кескин қарши чиқаяптилар. ХАМАС вакиллари буни "уруш эълон қилиш" билан тенглаштирдилар. Шу билан бирга ФАТХ партияси аъзолари ҳам, мўътадил зиёлилар ҳам бир овоздан "бошқа йирик яхудий аҳоли пунктлари сақланиб қолгани ва фаластинликларнинг 22 фоиз ҳудуди аннексия қилинишини назарда тутувчи ушбу режа"ни қабул қилмасликларини, у доимий тинчликни таъминламаслигини айтмоқдалар. Дарҳақиқат, Исроилнинг айрим ҳудудларни Фаластинга бериш орқали ўз чегараларини эълон қилиши фаластинликларни географик жihatдан бир-биридан ажралган уч ҳудудда давлат тузишга мажбур этади.

Халқаро миқёсда ҳам "бир-

томонлама ажралиш" режаси қатор муаммоларни келтириб чиқаради. "Яқин Шарқ тўртлиги" аъзолари — БМТ, ЕИ, АҚШ ва Россия қийин танлов олдиде қоладилар. Уларнинг бир неча йилдан буён минтақада тинчлик ўрнатиш учун қилган ҳаракатларининг натижаси бўлишича дастурий ҳужжат — "Йўл харитаси"га зид чегараларнинг Исроил томонидан биртомонлама ўрнатилиши режасини қўллашлари бутунлай муваффақиятсизлигини тан олиш билан баробардир. Лекин, иккинчи томондан, Исроилдан уни тан олишни истамаётган Фаластин раҳбарияти билан музокаралар олиб боришни талаб қилиш ҳам мангика зид ҳисобланади.

Фаластин мухториятининг бош вазири Исмоил Хония яқинда "The Guardian" газетасида чоп этилган мақоласида шундай деб ёзди: "Қудратли давлатларга биздан Исроилни тан олишимизни ёки қаршилиқ кўрсатишдан воз кечишимизни талаб қилмасликларини айтаялтимиз. Аввало, Исроилдан босиб олинган ҳудудларимизни қайтаришини ва ҳуқуқларимизни тан олишини талаб қилиш керак." Бир тарафдан бу ҳам тўғри. Лекин гап шундаки, ХАМАС хартиясига кўра, тарихий Фаластин ҳозирги Исроил ҳудудларини ҳам ўз ичига олади.

Баъзилар бу вазиятни "Кадима" ва ХАМАС ўзлари хоҳламаган ҳолда бир-бирига ёрдам бераёпти", дея баҳоламоқдалар. Дарҳақиқат, тан олиб айтиш кераки, Фаластин мухториятида ХАМАСнинг ҳокимият тепасига келиши Исроилдаги биртомонлама чоралар қўришга интилган, фаластинликлар билан муно-

са қилишнинг фойдаси йўқ, деб ҳисоблайдиганларнинг ишини осонлаштирди.

Лекин томонлар бир-бирларини қанчалар айбламайсин, музокараларни тўхтатиб қўйиш билан таҳдид қилмасин, ўзаро ҳамкорлик қилишга мажбурдирлар. Масалан, Иордан дарёсининг фарбий қирғоғи сув ва электр энергиясини Исроилдан олади. Исроил розилигисиз Фазо секторини оддий нон билан ҳам таъминлаш мумкин. Ўз навбатида, Исроил фаластинликларнинг арзон ишчи кучидан фойдаланади. Умуман олганда, Исроил ва Фаластин ўртасида мустақкам баланд деворни тасаввур қилиш қийин. Тақдирнинг шум ҳазили шундаки, бир-бирини кўролмайдиган икки халқ битта ҳудудда яшашга, ҳеч бўлмаганда, тинчлик ва барқарорлик учун ҳамкорлик қилишга мажбур.

"Тўртлик"нинг эса вазиятга таъсир қилиш имкониятлари қанчалар камийиб кетди. Бундай қаралганда, мухториятга молиявий бойкот билан таҳдид қилиш орқали ХАМАСдан ўз мафқуравий мақсадларини юмшатишни талаб этиш мумкин, чунки ҳукумат хорижий молиявий ёрдамсиз бир ой ҳам фаолият юритолмайди. Лекин бу қутилган натижани берармикан? "Оч одам — қаҳрли одам", дейдилар. Ердамнинг бекор қилиниши Фаластиндаги кучларни янада радикал ҳаракатларга ўтишга мажбур қилиши ҳам мумкин. Боз устига, Эрон ва бошқа мусулмон давлатлар Фарб бериб келган ёрдам ўрнини тўлдирини ваъда қилаяпти. Бу эса террорчиликдан азият чекаётган кўпчиликни ташвишга солиб қўйиши турган гап.

ЕВРОПА



"Euronews" хабарларига кўра, Европанинг қатор мамлакатларида сув тошқини авжига чиқди. Украина чегарасидаги Дунай дельтасида сув оқими илгари мисли кўрилмаган даражада кўтарилган. Европанинг жануби-шарқидидаги ўн минглаб аҳоли яшайдиган ҳудудларда сув тошқинлари яна рўй бериши қутилмоқда. Жала ва тоғли жойларда қор эриши натижасида эса вуҷудга келган тошқин сабабли минглаб одамлар бошқа жойларга кўчирилди.

Европада сув тошқинлари

Сербиянинг ўн та туманида фақуллода вазият эълон қилинди. Белграддаги қатор кўчалар бир неча кундан буён сув остида қолмоқда. Ҳарбийлар ва фуқаролар муҳофаази хизматлари вакиллари кум тўлдирилган қоплардан тўсиқлар ясаляпти. Аммо иккинчи ҳафта давом этаётган тошқинлар бу тўсиқларни ювиб кетиши ҳеч гап эмас.

Болгария ва Руминия ҳам тошқин остида қолди. Бу ерларда Дунай дарёси суви 1895 йилдан кейинги энг баланд нуқтага етди. Чегара вазифасини бажарувчи ушбу дарё иккала томондаги далалар, пастликларда жойлашган аҳоли пунктларини сувга фарқ қилди. Руминия ҳукумати шаҳар ва қишлоқлар талофат қўришининг олдини олиш мақсадида Дунай ўзанидаги 90 минг гектардан иборат қишлоқ ҳўжалиги ҳудудига буриб юборди. Қутилмаганда дамбанинг ювилиб кетиши бу ишга ёрдам берди ва бошқа жойларда сув босимининг қамайишига олиб келди.

Дунай бўйлаб сув ҳар секундада 16 минг куб метр тезликда оқиб ўтмоқда. Бу апрель ойининг ўртача кўрсаткичидан икки баробар кўп демакдир. Шу кунларда эса дарё сувининг энг юқори нуқтага кўтарилиши қутилмоқда. Дунай билан бирга тўрт кичик дарё ҳам ўз ўзидан чиқиб кетган.

ХАЛҚАРО БИРЖА

Нархлар кўтарилмоқда



Нью-Йорк биржаларида бир баррель нефть нархи 70,86 АҚШ долларига етди. Кузатувчиларнинг таъкидлашларича, бунга жаҳон бозорларида Эрон ва Фарб давлатлари ўртасидаги қарама-қаршилиқнинг кескинлашуви билан боғлиқ хавотирлар асосий сабаб бўлмоқда.

Осиё бозорларида "қора олтин" нархи бирданга кўтарилиб, 70,85 долларни ташкил этди. Бу ўтган йили АҚШ жанубий қирғоқларида "Катрина" тўфони авж олган заҳоти кўтарилган нархлардан ҳам юқоридир.

Жорий йилнинг март ойида нефть нархи 10 доллар ёки 16 фоизга ошди. Экспертлар нархларнинг бундай тез кўтарилишига Эроннинг ядро дастури билан боғлиқ зиддият ва Вашингтон — Техрон ахборот уруши сабаб бўлди, дея ҳисобламоқдалар. Томонларнинг бир-бирига таҳдидлари бозорларда нефть танқислиги пайдо бўлиши билан боғлиқ хавотирларни келтириб чиқарди. Эроннинг Фарб давлатлари билан муносабатлари яхшиланмагунча "қора олтин" нархи ошиб кетавериши таъкидланмоқда.

Нигерияда жангариларнинг нефть қазиб чиқариш қанчаларга ҳужум қилишлари ҳам нархларнинг ошшишига сабаб бўлди. Айна пайтда ёнилги экспорт қилувчи йирик мамлакат — Нигерияда нефть қазиб олиш 25 фоиз қисқарган.

Шунга қарамай, жаҳонда нефтьга бўлган талаб ҳамон юқорилигича қолмоқда. Айниқса, АҚШда автомобиль мавсуми бошланиш арафасида "қора олтин"га бўлган эҳтиёж ортаяпти. Бу борада Хитой иқтисодийнинг "иштаҳаси" ҳам чакки эмас.

ХОЛИС ФИКР

ТАФСИЛОТЛАР

ВОҚЕАЛАР,

ХАБАРЛАР,

АҚШ

Рамсфельд истеъфога чиқадими?

BBC World тарқатган хабарга кўра, Америка муҳофаа вазири Дональд Рамсфельдни Ироқ урушидаги муваффақиятсизлик учун ўз лавозимини топширишга ундаётган истеъфодаги генераллар сони тобора ортиб бораёпти. Оқ уй маъмурияти эса унинг ўз вазифарини уйдалаётганидан, айниқса, Ироқ урушида тутган ўрнидан мамнун эканлигини айтаяпти.

Шунга қарамай, олти генерал Рамсфельд ўз лавозимидан кетиши керак, дея талаб қилмоқда. Кузатувчилар вазирининг истеъфога чиқиши тарафдорлари бошқа соҳадаги амалдорлар эмас, айна Ироқ уруши ҳақида барча маълумот-

ларга эга бўлган генераллар эканлиги масалага қизиқишини янада орттиришини таъкидламоқдалар.

Америкалик генераллардан бири радиого берган интервьюсида жаҳон Рамсфельд "ўзига бино қўйиш" муҳитини



пайдо қилаётганлиги учун ҳам лавозимидан кетиши кераклигини айтган. Бошқа бир генерал эса бундан ҳам кескинроқ баёнот билан чиққан. У Ироқ уруши буткул муваффақиятсизликка учраган бир пайтда Рамсфельднинг халқаро террорчиликка қарши кураша олишини шубҳа остига қўйган.

Бирок Оқ уй вакили Скот Макклелланнинг баёнот беришича, президент Жорж Буш ҳарбийлар Ироқда хизмат қилаётган ва мамлакат армияси жиддий ўзгаришларни бошидан кечираётган бир пайтда жаҳон Рамсфельд ўз ишини қойиллатиб адо этмоқда, деган фикрдадир.

ТАЛАБ



# СЎНГГИ САҲИФА

### ЖИСМОНИЙ ЖИХАТДАН СОҒЛОМ БЎЛИШНИНГ ЭНГ МУҲИМ ШАРТИ РУҲИЙ ТЕТИКЛИҚДИР

ФУТБОЛ

## Жаҳон кубоги кимга насиб этаркин?

### Қарийб бир ярим ойдан сўнг Германияда футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатига старт берилади

Оммавийлиги жихатидан ёзги Олимпия ўйинларидан кейинги ўринда турувчи мазкур мусобақага қизгин ҳозирлик кўрилаяпти. Ҳар тўрт йилда бир ўтказиладиган ўйинларни, айниқса, ишқибозлар орзиқиб кутишмоқда. Бўлиб ўтаётган чемпионатолди тадбирлар ҳам барчанинг диққат-эътиборида турибди.

Шухрат ХЎЖАЕВ

Март ойининг охиридан 10 апрелгача тарихда биринчи бор дунё бўйлаб "саёхатга чиққан" жаҳон кубогининг асл нусхаси Россия, Украина, Португалия, Греция каби давлатларда "меҳмон" бўлиб, ўз сафарини Италия пойтахти — Римда



яқунлади. Кубокнинг ана шу сафари баҳонасида минглаб журналистлар ва ишқибозлар нуфузли му-

де-Жанейрода Бразилия маданият вазири Жилберту Жил томонидан жаҳон чемпионати бошлангунга қадар давом этувчи "Футбол ва санъат ажралмасдир" шиори остида ўтказиладиган дастурнинг очи-лиши ҳам миллионлар ўй-ни ихлосмандларини кўнглини кўтаргани табиий. Маълумотларга кўра, дастур айнан пентакампионлар ўйинидан илҳомланган бразилиялик машҳур рассомлар, кўшиқчилар, ёзувчи ва шоирлар томонидан намоёиш этилган концерт, ижодий кеча ва кўرғазмаларни қамраб олади.

Чемпионат сабаб мўмай даромад орттириш пайида бўлган букмекерлик идоралари вакиллари ҳаракатга тушиб қолдилар. Зеро, Буюк Британиянинг William Hill букмекерлик идораси маълумотларига кўра, 9 июндан 9 июлгача Германия майдонларида ўтказиладиган ўйинларга рекорд даражада, яъни 1,75 миллион долларга яқин пул тикилиши кутилмоқда. Унда пул тикувчиларнинг аксарияти Бразилия термаси учун "овоз бериши", иккинчи ва учинчи кўрсаткич эса тегишли равишда Англия ва Германия миллий жамоаларига насиб этиши кутилмоқда.

БИЗНЕС-БАШОРАТ

24 апрель - 1 май кунлари учун

**ҚҲЙ.** Манфаатли келишувларни имзолаш ва сафар уюштириш учун кулай ҳафта. Шундай экан, фурсатни бой бермай, тезроқ бизнес режаларингизни амалга оширишга ҳаракат қилинг. Сешанба кунини хушбахтар эшитасиз. Шанба кунини спорт билан шуғулланган ҳолда ҳордиқ чиқариб, бир ўқ билан иккита куёни уришингиз мумкин.

**БУЗОҚ.** Мазкур ҳафтада юриш-туришингиз ва кийинингизни, бошқача айтганда, "имиж"ингизни ўзгартириб, катта ютуқларга эришингиз мумкин. Душанба кунини бизнес-таклифни зинҳор рад эта кўрманг. Жума ва дам олиш кунларини оилангизга бағишланг.

**ЭГИЗАҚЛАР.** Ножўя ишларга билмасдан қўл уриб қўйган бўлсангиз, ортиқча асабийлашманг. Бўлар иш бўлди. Яхшиси — айбингизни хайрли ишлар билан ювиш йўлларини изланг. Дам олиш кунларини тоғолди худудда ўтказинг. Йўлга отланиш чоғида фотоаппарат олишни унутманг.

**ҚИСҚИЧАҚА.** Ҳар хил антика воқеалару саргузаштларга бой ҳафтани бошдан кечирасиз. Сешанба кунини ишбилармон доиралар билан учрашувингиз муваффақиятли ўтади. Соғлигингизни эҳтиёт қилинг. Баҳорнинг алдамчи ҳавосига кўпам ишонаверманг.

**АРСЛОН.** Ҳафтанинг биринчи ярмида ўй-жой ва рўзгор билан боғлиқ муаммоларингизни ҳал қиласиз. Пайшанба кунини даромадли ишни якунига етказасиз. Дам олиш кунлари арафасида айрим гараз ниятли кишилар эриш қилишингизга ҳалал бериб, кайфиятингизни туширмоқчи бўладилар.

**ПАРИЗОД.** Ҳафтанинг, ҳовлингиз ва иш жойингизни тартибга келтириб, ўзингиз учун кулай шароит яратиб олинг. Шундан сўнггина молиявий аҳолингизни тиклаб олиш учун имконият яратилади. Муҳим ишларингизни чоршанба ёки жума кунлари бажаришга ҳаракат қилинг.

**ТАРОЗИ.** Чет элдаги танишларингиз билан алоқа ўрнатиб, катта ишларга қўл уришингиз кутилмоқда. Мураккаб жисмоний машқларни бажараётиб, жароҳат олишдан эҳтиёт бўлинг. Дам олиш кунларини уйда, оилангиз даврасида ўтказишингиз маъқул.

**ЧАЁН.** Турмуш ўртоғингиз билан жанжаллашиб қолмай десангиз ҳафта давомида дам олиш ва ижод билан шуғулланишга ҳаракат қилинг. Юлдузлар башорат қилишича, ҳафта бошида ишонангизда қобилиятингизнинг очилмаган қирраларини намён эта-сиз, ҳафта охирида эса оила аъзоларингиз учун катта совға тайёрлашга эришасиз.

**ЎҚОТАР.** Ҳар томонлама омадли ҳафта. Ҳамкорлар билан ўтказилган музокаралар ҳам, иш юзасидан уюштирилган сафарлар ҳам муваффақиятли ўтиши кутилмоқда. Илҳом парилари атрофингизни ўраб олгани боис, ижодингиз ҳам баракали бўлади. Ўқув юртларига тахсил олаётган "ўқотар"лар эса имтиҳон ва синовларни ҳеч қандай қийинчиликсиз топширадилар.

**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Иш жойингиздаги инқирозларга барҳам берилгач, молиявий аҳолингизни тиклаб оласиз. Муҳими — юз берган ноҳус ҳолат сабабчисини топиб, айбдорга нисбатан чора қўриш имкониятига ҳам эга бўласиз. Дам олиш кунлари тўй-маърака ёки хашарда яхшигина тер тўкишингиз кутилмоқда.

**ҚОВГА.** Хотиранингиз панд бериб, муҳим ишларни унутиб қўйишингиз эҳтимолдан холи эмас. Шу боис ортиқча ҳиссиётларга берилмай, кундалик тартиб-интизомга риоя қилинг. Айниқса, ҳафтанинг иккинчи ярми вақтдан унумли фойдаланишга интилинг.

**БАЛИҚ.** Савдо-сотик билан шуғулланувчи "балиқ"лар учун душанба кунини жуда омадли бўлади. Ижодкорлар эса мазкур ҳафтада дам олганлари маъқул. Бозорда ҳамда жамоат транспортда кисса-вурлар "хужум"идан эҳтиёт бўлинг.

ДИҚҚАТ: ҚУЛАЙЛИК



### НОШИРЛИК УЙИ КЕЧАЮ КУНДУЗ ИШЛАЙДИ!

Корхона ва ташкилотлар учун фирма бланкалари, китоб, буклет, ташир қўғозлари ва бошқа турдаги бесма махсусотларни арзон нархларда чоп этади ва буюртмачиларга белгиланган муддатда етказиб беради.

Телефонлар: (8-371) 107-74-89, 130-82-72, 330-31-81, 332-45-01

«ПАХТА БАНК»  
ФАРОВОНЛИГИНИНГ КАЛИТЛИГИ!

КУРАШ

## «Нексия» ўз эгасини топди



Ўтган ҳафтада Муборақда соҳибқирон Амир Темур таваллудининг 670 йиллигига бағишланган эркаклар ўртасида кураш бўйича халқаро турнир бўлиб ўтди.

"Президент, Мустанқиллик, Кураш" шиори остида ўтказилган мазкур мусобақада ўзбекистонлик ҳамда қўшни республикалардан келган 60 нафардан зиёд курашчи иштирок этди.

Ҳал қилувчи жангда галаба қозонган сурхондарёлик полвон Давлат Чориев бош соврин — "Нексия" автомобиллини қўлга киритган бўлса, самарқандлик Уткир Саломов, қашқадарёлик Меҳриддин Шоймуродов ва тошкентлик Шухрат Муродов тўя, телевизор ва бошқа қимматли совринлар билан тақдирланишди.

ХАЛҚАРО ТУРНИР

Маълумки, 2006 йили Хитойда ёзги Олимпиада баҳслари бўлиб ўтади. Айнан шу ўйинларга дастлабки тайёргарлик босқичи сифатида сўнгги яқшанба кунини Вьетнам пойтахти — Ханой шаҳрида футбол бўйича VTV-T&T халқаро турнирига старт берилди. Мукофот жамғармаси — 70 минг АҚШ доллари. Мазкур мусобақада энг кўп очко тўплаган жамоа 40 минг доллар билан тақдирланади. Айни пайтда бош соврин учун тўрт жамоа кураш олиб бораёпти.

## Навбатдаги рақиб — Австралия

Булар: кўпчиликлари таниш бўлган мутахассис Равшан Хайдаров мураббийлигидаги Ўзбекистон олимпия терма жамоаси, шунингдек, 23 ёшгача бўлган йигитлардан таркиб топган мезбон — Вьетнам, Эрон ҳамда Осиё Футбол конфедерациясининг янги аъзоси — Австралия терма жамоаларидир.

Мусобақанинг дастлабки кунинида ўттиз икки минг томошабин кўз ўнгида вакилларимиз вьетнамликларга қарши учрашувда 2:2 ҳисобида дурангга эришган бўлсалар, "яшил китба" футболчилари ва Эрон термаси ўртасида

бўлиб ўтган ўйинда ҳисоб очилмади — 0:0. Вакилларимиз ҳисобига ёзилган ҳар иккала тўп "Шўртан" жамоасининг истеъдодли хужумчиси Шаҳбоз Эркинов томонидан киритилди. Сешанба кунини бўлиб ўтган учрашувда олимпиячиларимиз Эрон термасига қарши тўп суришди. Хавфли вазиятларга бой учрашув, афсуски, эронликлар фойдасига 0:2 ҳисобида яқунланди.

Бугун кечқурун эса юрдошларимиз Австралия термасига қарши майдонга тушиб, турнир жадвалидаги ҳолатга ўзгартириш қилишга ҳаракат қиладилар.

Республика Кўчмас мулк биржаси ва «Kim oshid savdolari» агентлиги — яқин бизнес ҳамкорингиз!  
Биржа савдолари душанба, чоршанба ва жума кунлари ҳамда аукцион савдолари пайшанба кунлари ташкил этилади.  
«КИМ ОШИД САВДОЛАРИ»  
Манзил: Тошкент, Чироқчи йўли, 1а-йўл  
С. Раҳимов Тўқмоқ, Ш. Раҳимов Қўшқор, 1а-йўл  
Телефонлар: 339-00-26, 339-01-28, 339-80-23.  
Факс: 133-26-26, 339-80-23, 339-80-24.  
www.kim.uz

Лучшее для Вас от «То'htaniyoz-ota»  
ГЕМЕЛЛИ  
ТО'HTANIYOZ-OTA™  
ПОКИЗА  
mahsulot sertifikatlangan  
Адреса наших магазинов:  
1. РЫНОК ЧОРСУ  
2. РЫНОК КАТАРТАЛ  
1-ПЛАВЬОН, 68-МАГАЗИН  
3. РЫНОК УРТИҚАР  
1-ПЛАВЬОН, 70-МАГАЗИН  
ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛ., Г.КЕЛЕС, ПРОМЗОНА. Тел: 8(371-96) 66-196. E-mail: TOHTANIYOZ@RAMBLER.RU

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР, ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА  
«Ўзбекиобод» ишлаб чиқариш фирмаси полипропилен қопларини таклиф этади.  
Манзил: Фарғона вилоятининг Кува туманидаги «Бекобод» қишлоғи.  
Мурожаат учун телефонлар: (8-371) 172-88-15, (8-373 31) 51-101  
Сифати кафолатланган. Нархи арзон

Моя мечта  
FEBP Otin medali Geneva 2005  
«TOSHKENT YOG-MOYKOMBINAT» OAJ QK  
MAHSULOT SERTIFIKATLANGAN

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI  
Тошкент шаҳар, Мовароуннаҳр кўчаси 16а-уй. Телефонлар: 132-25-51; 133-46-61; Факс: 133-20-74. www.tshmbm.uz; E-mail: info@tshmbm.uz; Birja@mail.tps.uz  
MULK DORGA HAMKOR

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

КЕНГАШ РАИСИ  
Мухаммадюсуф  
ТЕШАБОВЕВ

КЕНГАШ АЪЗОЛАРИ

- Абдулазиз АБДУЛЛАЕВ
- Адхам ШАДМАНОВ
- Ақром АЛИМОВ
- Маҳаматжон АҲМЕДЖАНОВ
- Мухаммадилхон ЙУЛДОШЕВ
- Аъзамжон РАҲМАНОВ
- Абдуваҳоб ИМОМАЛИЕВ
- Бахтиёр ЁҚУБОВ
- Зиёдулла УБАЙДУЛЛАЕВ
- Илхом НАСРИЕВ
- Мансур ЗОКИРОВ
- Мухлиса АҚРАМОВА
- Раҳмат Сайдалиев
- Раҳман ОХУНОВ
- Рахматилло КАМОЛОВ
- Сирожиддин САЙИИД
- Шухрат НОРГИТОВ
- Шухрат ОРИПОВ
- Киймиддин НАЗАРОВ
- Қобилжон ТОШМАТОВ
- Туланбой КАРИМОВ
- Эркин ТОШЕВ

ТАҲРИРИЯТ

- Абдували СОИБНАЗАРОВ
- Маркс ЮСУПОВ
- Зумрад АБРОРОВА
- Носир ТОШЕВ
- Ориф УЛМАСОВ
- Тоҳир МАЛИК
- Темур АБДУРАҲМОНОВ
- Тоҳир МИРХОДИЕВ
- Улуғбек ЮСУПОВ
- Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА
- Холмўмин МАМАТРАЙИМОВ
- Шаҳзода НАЗАРОВ
- Шухрат ОХУНЖОНОВ

МАТИ ТЕРУВЧИЛАР

- Нигора ЖҲРАЕВА
- Замира АҲМЕДОВА

БҮЛИМЛАР

- ПАРТИЯ ТУРМУШИ 55-45-08
- ИҚТИСОДИЙ ВА ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ 55-43-57
- ХАЛҚАРО МУНОСАБАТЛАР ВА ПАРЛАМЕНТ ФАОЛИЯТИ 132-25-15
- АХБОРОТ ВА ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ 55-70-16
- МАЪНАВИЯТ, АДАБИЁТ ВА САНЪАТ 55-68-50
- ХАТЛАР, ШИКОЯТЛАР ВА ТАҲЛИЛ 55-70-16

Навбатчилар:  
Н. ТОШЕВ,  
Ш. АРАБЕВ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.  
Корхона манзили: Тошкент шаҳри, «Буюк Турон» кўчаси, 41.  
Буюртма рақами: Г-667  
Тиражи: 17045

PR - тижорат белгиси

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.  
«XXI ASR» иқтисодий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2003 йил 18 декабрда 028 рақами билан рўйхатдан ўтган.  
ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, «Нӯус» кўчаси, 73-уй.

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА:  
axborot@21asr@yahoo.com  
XXI\_ASR@yahoo.com  
XXI\_ASR@doda.uz

© XXI ASR-дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтани назардан фарқ қилиши мумкин.  
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

БОШ МУҲАРРИР  
Миродил АБДУРАҲМОНОВ.

БИЗНЕС  
ҲАМКОРЛАРИМИЗ

НОШИРЛИК УЙИ  
ТЕЛ: 132-14-47, 132-25-15.

Mila PRESS  
РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ  
Тел: (998-71) 151-29-52.  
E-mail: milapress@yahoo.com

GERMANYA - 2006

САНА

РЕКЛАМА